

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

ОНАЛАР БОР, ОЛАМ МУНАВВАР



Оналар — миллат кўзгуси, оталар эса миллат фахридир. Ҳадиси шарифларда ҳам фарзанд учун энг аввало онанинг ҳаққи кўпроқ эканлиги ўқтириб ўтилган. Оналар бор, кўнглимиз хотиржам, уйимиз тинч. Оналар борки, қалб кўримиз — болаларимиз соғлом ва баркамол ўсдилар. Онанинг бу қадар эъзозланиши порлоқ келажакка қўйилаётган пойдевор, юртбошимиз фармонлари асосида ҳукуматимиз томонидан аёлларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик нишонасидир.

Жамиятимизда бундай эъзозга лойиқ онахонлар кўплаб топилади. Ана шундай мухтарам онахонлардан бири, Ҳамза тумани Қўйлик даҳасида истикомат қилувчи 9 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараган Марҳа-

мат ая Сурмоновадир.

— Фарзанднинг келгусида қандай камол топиши кўп жиҳатдан ота-онага, қолаверса, ён — аτροφдагиларга боғлиқ, — дейди биз билан суҳбатда ая. — Мен ўз ҳаётим давомида қанчадан-қанча кунларни кўрмадим, дейсиз. Колхозда ишлаб, пилла боқдим, кечаю-кундуз меҳнат қилдим. Ҳаётдаги энг оғир машаққатларни енгиб ўтишимда турмуш ўртоғимнинг ҳиссалари бекиёс. Уларнинг бутун умрлари меҳнатда ўтган, камтар ва ҳалол инсон эдилар. 7 йил давомида жанг майдонида жон олиб, жон берган бу инсон урушдан кейин ҳам меҳнат билан машғул бўлди. Уларнинг бир одатини ҳалигача эслаб юраман. Кўчада кимга дуч келсалар, ёшми-қарими, кўллари кўксиди, биринчи бўлиб салом берарди-

лар. Фарзандларимизни ҳам оёққа қўйишда, меҳнатсевар бўлиб камол топишда уларнинг хизматлари катта. Раҳматали ака доим «Ўнг қўл топганим худойи, чап қўл топганим — боламиники», дер эдилар. Маҳаллада ҳамма у кишини «Тоға» дерди. Мана, йиллар ўтди. Оллоҳга шукрки, мана шундай оғойишта кунларга етиб келдик. 7 ўғил, 2 қиз, ўттизга яқин неварая, бир чеваранинг ардоғида ўтирибман. Оила аъзоларимиз билан юртбошимиз томонидан амалга оширилаётган ҳар бир ишни диққат билан кузатиб борамиз. Уларнинг эл оғойишталиги, юртимизнинг гуллаб — яшнаши учун қилаётган саъй — ҳаракатларини гоҳда қувонч, гоҳда ҳайрат билан кўлаб — қуватлайимиз. Мен ҳам онаман, болаларимнинг тинч ва бахтли ҳаёт кечиришини,

биз кўрмаган кунларни неvara — чевараларим кўришини истайман. Инсон учун энг аввало тинчлиги, тўрт мучаси соғу-саломат бўлса, шунинг ўзи бир давлат. Қолган ҳамма нарсани меҳнатига яраша Яратган бераверади. Тилагим, юртимиз тинч, Президентимиз соғу-саломат бўлсинлар. Юртимизнинг ривожини учун олиб бораётган ишларига рўзнама орқали оиламиз номидан миннатдорчилик билдириб, бошлари тошдан бўлсин, дейман.

Ая 10 июлда муборак 72 ёшини қарши оладилар. Биз ҳам бу бахтли онахонга узок-умр, неvara-эвараларининг роҳатини тилаб қоламиз.

ФАРИДА

Мисоли қошу кўздек яқин кўшимиз Тожикистонда яна нотинчлик. Бундай вазият дунёга яхшиликлар соғинувчи ҳалқимизни ҳам албатта ташвишга солмай қолмайди. Ҳафта ҳафта пойтахтимизда 16 феврал воқеалари иштирокчиларининг бир гуруҳи устидан суд жараёни ҳам бошланди.

Куйида жаҳонда ва мамлакатимизда юз бераётган воқеалар, ҳодисаларга бефарқ қараб туrolмайдиган муштарийларимизнинг дил сўзларини диққатингизга ҳавола этаёмиз.

**БАРЧАМИЗ
МАСЪУЛМИЗ**

Халқимизнинг «Тоққа чикмасанг дўлона қайда», — деган доно нақли бор. Аслида ҳам бу дунёда ҳеч нарсага осонлик билан эришиб бўлмайди. Баъзида мамлакатимиз мустақиллигига эришимиз осонлик билан юз бергандек туюлади. Аслида эса бундоқ уйлаб қарасак, инсон учун энг қадри бу неъмат қанчалар қурашу талафотлар эвазига қўлга киритилди. Ватанимизнинг шонли тарихи бунга гувоҳдир. Пойтахтимизда юз берган 16 феврал воқеалари, бу машум қилғиликларни содир этган кимсалар устидан олиб борилаётган суд жараёнлари ва Тожикистонда макон қуриб олган ватангадодлар гуруҳлари томонидан 18 йигитнинг сўйиши ҳодисаси, тожиклар юртидаги кейинги нотинчликлар меҳнаткаш ва тинчликсевар халқимиз юрагини ларзага солди. Демак, биз Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, огоҳ бўлмоғимиз, мустақиллигимизни ички ва ташқи душманларимиздан асраб-авайламоғимиз лозим экан. Бунинг учун мисоли бир жону бир танга айланадиган жипслашмоғимиз керак.

Афсус, мен ёш ва соғлом эмасман. Айна дамда Тошкентдаги шифохоналардан бирида даволанаёпман. Бир умр ўқитувчилик қилдим. Хотиним билан 10 фарзандни вояга етказдик. Худого шукр, 10 нафар набирамиз бор. Ҳаётдан — келажақдан умидимиз катта. Эзгу умидлар эса фақатгина тинчлик-фаровонликда қуртак очиб гуллаб-яшнайдим. Мен ва менга ўхшаган барча ота-оналар, боёбу бувиларнинг тилагимиз, дуойи фотиҳаларимиз шундай: «Илоё элу юртимиз тинчлиги, шоду хуррамлигига раҳна солишга уринаётган барча бад ниътли

кимсаларнинг юзини тескари қилсин, дўстларимиз кўпайиб, душманларимиз ер тишлаб қолсин»...

**Тиллабек МИРЗААХМЕДОВ,
меҳнат фахрийси, Оққўрган тумани «Гулистон» жамоа хўжалиги.**

**ЁМОНЛИКНИНГ
УМРИ ҚИСҚА**

Инсон ҳамиша бахтли бўлишга, фарзандлари, юрти камолини кўришга интилиб яшайди. Аммо уша фаровон ҳаёт барчага бирдай насиб этавермас экан. Биз буни айни кунларда таҳлика ва саросимада яшаётган қўшни тожик биродарларимиз мисолида ҳам кўриб турибмиз. Бугун уларнинг кўнгиллари нотинч, фарзандлар кўзида ёш, оналар ваҳимада. Ахир биз у ерда юз бераётган хунрезликларни эшитиб, қалбдан ҳис этиб қандай чидаб тура оламиз. Енимиздаги кўшнилариимиз қақшаб ўтирсаю, биз қандай қилиб дастурхон тепасида бир тишлам нонни хотиржам еймиз. Бу воқеалар фарзандларимизнинг келажагига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Урушнинг бир куни ҳам уруш экан. Ахир юртимизда рўй берган 16 февраль воқеалари халқимизни озмунча ларзага солмадими? Ватанфурӯшларнинг уйламай босган қадамлари қанчалаб бегуноҳ инсонларни зор қақшатмади. Ёмонликнинг умри қисқа бўлади деганлари рост экан. Мана бугун уша кимсаларнинг халқ олдида жавоб бериш пайти етиб келди. Уйлайманки, тожик биродарларимизни тинчлигига раҳна солиб, уларни фаровон турмушларини бузишга интилиб, ўзларининг қораниятларини амалга оширмақчи бўлган кимсалар ҳам узоққа бормайди. Улар ҳам бир куни албатта ўз жазоларини олади.

**Собиржон ОТАБОВЕВ,
Фаргона вилояти,**

Бувайда тумани «Маънавият ва Маърифат» маркази директори

АЁЛЛАР ЙИЛИ ДАСТУРИ ҲАРАКАТДА

**ИЖТИМОЙ ФИКР —
АДОЛАТ КЎЗГУСИ**

Бундан икки йил муқаддам мамлакатимизда «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ташкил этилган эди. Марказнинг бугунги кундаги фаолияти ҳақида Марказ директори ўринбосари, профессор Озод Отамирзаев билан суҳбат қилдик.

— **Озод ака, аввало «Ижтимоий фикр» маркази ҳақида бироз тушунча берсангиз.**

— Биз юртимизда мустақил ҳуқуқий, демократик давлат қурмоқдамиз. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар ўтказаяпмиз, қарорлар қабул қилаямиз. Ана шу ўзгаришлар, содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида одамлар фикрини билиш, бу жараёнлар фуқаролар ҳаётига қандай таъсир қурсатаётганлигини, одамларнинг бу ўзгаришларга муносабатини ўрганиш ва шу асосда ҳулосалар чиқариш, давлат қонун чиқарувчи органлари учун ниҳоятда катта аҳамият касб этади. «Ижтимоий фикр» маркази ҳам айнан шу жараённи ўз фаолият дастурининг ойнаси деб билади.

— **Шу билан бирга марказ халқнинг ҳуқуқий, сиёсий ва маданий савиясининг қай даражада эканлигини ҳам тадқиқ қилади.**

— **Марказ ўз иш фаолиятида яна қандай муаммоларга эътибор қаратади?**

— Ҳаётимизнинг барча жаҳаларидаги муаммоларни ўрганамиз. Масалан, ўтган йили «Кизил арим ой» жамияти буюртмаси билан ўтказилган сўровлардан Оролбўйи худудида яшовчи аҳолининг шарт-шароитлари, саломатлиги, турмуш тарзи ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлинди. Еки бўлмасам, мамлакатимиз раҳбарининг «Оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш» ҳақидаги Фармони асосида Тошкент шаҳрида тезкор сўров ўтказилди. Сўров натижалари таҳлил қилинганда, сўралганларнинг барчаси Фармонни қўллаб-қувватлаган.

— **Марказ Аёллар йилида қандай ишларни амалга оширмакда?**

— Марказимиз раҳбарлари ушбу дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда бевосита иштирок этишди. Бу «Аёллар йили» муносабати билан тузилган иш режаси асосида бир қатор ишлар амалга ошириляпти.

Йил давомида ўтказилиши кўзда тутилган тадбирларда аёлнинг ҳуқуқий, сиёсий, маданий савиясини ошириш, унинг оиладаги масъуллиги, жамиятдаги ижтимоий салоҳиятини янада юксалтириш масалаларига эътибор қарилган. Жумладан, марказимиз (19-20 феврал кунлари) Германиянинг Фридрих Эберт жамғармаси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий марказлари билан ҳамкорликда «XXI аср бусағасида Ўзбекистон аёлларининг ижтимоий салоҳиятини оширишга кўмаклашиш имкониятлари» мавзусида симпозиум ўтказди.

Симпозиум аёлнинг жамиятда тутган ўрни, унинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, унга бозор қонунларини мукамал эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш жойларда ўқув курслари очиш, иш билан таъминлаш, кичик корхоналар очиш, улардаги мавжуд имкониятлардан фойдалана билмасликлари бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Сўзимнинг охирида шунини таъкидлашни истардимки, озод юртимиз фуқаролари жамият ҳаётида юз бераётган буюк ўзгаришларнинг оддий қузатувчиси бўлиб қолмай, ўз меҳнати, ижоди, изланишлари, овози, саъй-ҳаракатлари билан муҳим жараёнларни бевосита иштирокчиси бўлиш билан бирга социологик тадқиқотларнинг ҳолис ва адолатли ўсишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

— **Озод ака, биз ҳам мамлакатимиз тараққиёти йўлида хизмат қилаётган «Ижтимоий фикр» маркази ишларига муваффақиятлар тилаймиз.**

Суҳбатдош: Н. АННАЕВА

Улуғ рус шоири
Александр Сергеевич
Пушкин таваллуд топган
кунга 200 йил тўлди

ЦЕТАК

Кунларим охишта
судралиб ўтар,
Мунглиг кўнглим учун
ҳар зум беомон.
Бевақт севи дардин
орттириб кетар,
Тентак хаёлларим
кўзгар ҳаяжон.

Аммо сукутдаман
чикмас фиғоним,
Йиглайман кўзларим
менга овунчок.
Қайғу панжасида
қолган бу жоним,
Шундан аччиқ наша
топади ҳар чоқ.

Ҳаёт дақиқаси!
Учавер майли,
Бехуда хаёллар йўқ
бўл зулматда!
Азиздир ишқимнинг
азобли йўли,
Майли ўлсам ўлай
шу муҳаббатда.

БАХТЛИ КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ

Бирлашган Миллатлар ташкилоти ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Руди Родригес Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ижодий сафарда бўлди ва жойлардаги Болалар жамғармаларининг олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишди.

САМАРҚАНД. Шу куни жаноб Руди Родригес вилоят касалхонасига болаларни эмлашда ишлатилган дори-дармонларни сақлаш учун 22 та музлатгичларни совға тариқасида топширди (Қашқадарё вилоят касалхонасига 18 та музлатгич тақдим этилди).

Айём муносабати билан Самарқанд вилоят Болалар жамғармаси, хотин — қизлар қўмитаси ҳамда бир қатор ташкилотлар хомийлигида Х.

Олимжон номли вилоят театрида «Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида» кўриктанлови ўтказилди. Кечада ЮНИСЕФ ваколатхонасининг Ўзбекистондаги раҳбари жаноб Руди Родригес ва Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси И. Т. Юсуповлар иштирок этишди. Кечадан сўнг етим ва ногирон болалар, кам даромадли оилалар болаларига жамғарманинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Пойтахтимизнинг М. Улуғбек номли истирохат боғида «Болалар Конвенцияси ҳуқуқий» мавзусида болалар ва ота-оналар иштирокида баъш кечаси бўлиб ўтди. Шунингдек, кеча хомийлари томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бепул ҳуқуқий маслаҳатлар ташкил этилди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ. 250 та кам даромадли оила

болаларига совға-салом, кийим — кечаклар тарқатилди. Шаҳар Сомониёлар боғида болалар учун байрам тантанаси ўтказилди. Мутасадди ташкилотлар томонидан жажжи болажонлар учун 1000 та музқаймоқ байрам совғаси тариқасида тарқатилди.

Ушбу кечага Бухоро Текс, Кока-Кола, Бухоро — Дон маҳсулотлари ташкилотлари хомийлик қилишди. Шунингдек, ушбу хомийлар томонидан 100 та бола ёзги таътилда дам олиш оромгоҳларига юборилади. Бухоро вилояти Болалар жамғармаси томонидан «Моҳи-Ситора» даволаниш масканига 10.000 сўм хайрия қилинди.

КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Республика қарори асосида «Болалар ҳафталиги» ташкил этилди. Ҳафта давомида

**Ўзбекистон Болалар
жамғармаси
фаолиятидади**

Қорақалпоғистон республикаси Болалар жамғармаси томонидан етим ва ногирон болалар, кам даромадли оилаларга турли хил совға — саломлар тарқатилди. Ҳафта давомида Болалар жамғармалари ва бошқа мутасадди ташкилотлар ташаббуси билан ўтказилган қатор хайрли тадбирлар ҳам болаларга бағишланди. Тадбирдан тушган маблағнинг барчаси Болалар жамғармаси фондига ўтказилди.

ЖИЗЗАХ. Ушбу вилоятда ҳам шу куни 250 нафар етим болаларга озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар тарқатилди. Пахтакор туманида яшовчи кам даромадли оила соҳибаси З. Хидирова вилоят Болалар жамғармаси томонидан «Рекорд» телевизори тақдим этилди.

Ф. ТОҲИРОВА

ЁШЛАРИМИЗ ОРЗУСИГА ҚАНОТ БЎЛАЙЛИК

«Тарбияга жиддий ёндошсак» — 22 сон

Инсон ҳамма ёшда ҳам орзу билан яшайди. Ушлаган орзуси ўрнида янги, ўнлаб орзулар туғилади. Болалик эса орзунинг бошланиши. Ҳаммамиз ҳам болаликда кўп нарсага орзу қилганмиз. Ҳозир ҳам орзулар ичидамиз. Шундай экан, ҳозирги болаларни орзусизликда ёки орзулари йўқолиб, жиноятчилик кўчасига кириб кетганликда айблаб бўлмайди. Айни вақтда «орзуга айб йўқ», — деган нақл бор халқ ўртасида. Шундай экан божхона ходими, банкир, сармоядор ёки президент бўлишни орзу қилганлиги учун болакайни айблаб бўлмайди, балки уни қўллаб-қувватлаш керак. Ахир, зўрамураки банкирдан кўпчиликка на фойда, онгсиз, билимсиз божхона ходими эса юртини химосига ярамайдими-ку! Аваллари ёшлар фазогир бўлишни орзу қилган бўлса, олим бўлишни истаган бўлса, ҳозир ҳам орзу қилишяпти. Менимча, гап нимани ёки ким бўлишни орзу қилишда эмас, балки орзуларнинг самарасида.

Истиклолдан аввал спортнинг бирор соҳасида жаҳон миқёсда ҳамюртларимиз чемпиони бўлишганми? Уша кўпчилиكنинг орзуси бўлган фазогирлар, космонавтлар юртимиздан чиқишгани? Аксинча, эн-

ди Артур Григорян, Татьяна Малинина, Рустам Қосимжоновлар Ватанимизни дунёга танитдилар. Ўзбек йигити Солижон Шарипов космосдан туриб салом юборди-ку! Кўришиб турибдики, биз ёшлигимизда баландпарвоз, шоирнамо орзулар қилганмиз, натижаси кам бўлган. Бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шундаки, ҳозирги ёшлар орзуларида эркиндирлар. Халқ ҳуралигининг қайси бир тармоғида фаолиятини синамокчи бўлса, марҳамат, орзуси қанот ёзсин.

Бизнинг замонда Президентимизнинг ҳаётларини, яшаш тарзларини, уларга ўхшашни орзу қилганлар беҳисоб, кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг орзуларини, ниятларини қўлаган ҳолда Президентимиз ҳам китобларини, суратларини мактублари ила ҳада қилмақдалар. Яна бир ҳолатни таъкидламасдан илож йўқ. Бизнинг ёшлигимизда пул топишга интилиш қораланган. Бой бўлиш жиноят ҳисобланган. Энди дўппини ёнга олиб қўйиб, айтинг-чи, пулни топишга интилган, ёшлигидан тадбиркор, ишбилармон бўлишни орзу қилган болакайни йўлини тополмаётган баъзи бир ёшлар билан тенг кўриш, бир қаторга қўйиш тўғри бўлармикан?

Агар бизларни ҳам бой

бўлиш орзусидан махрум қилишмаганда, тенгдошларимиз орасидан қанча Рок-феллер, Морган, Дуэлар чиқиб, Ўзбекистон янада қудратли бўлмасиди? Бундан ташқари, ҳозирги болакайлари орзусидан айрилганлар, деб бўлмайди. Болакайлари «Тонг юлдузи» рўзномасини, «Синфдош» ва «Еш куч» жаридаларини варақлашим билан буларга ҳавасин келади, болаликка қайтгим келади. Уларнинг орасидан қанча зукко шоир, шоиралар, ёзувчилар, муқаллид, мунаққидлар етишиб чиқмоқда. Радио ва ойна-жаҳонимизнинг «Ёшлар канали»даги эшиттиришлари ва кўрсатувлари барча ёшдагиларни ҳаяжонлантирмай, қувонтирмай иложи йўқ.

Энди жиноятчи ўсмирлар масаласига қайтадиган бўлсак, барча даврларда, барча мамлакатларда жиноятчилар бўлган, бўлади ҳам. Барчамизнинг вазифамиз ушбу жиноятчи ўсмирларни тарбиялаш. Ахир, бекорга «бир қизга етти кўшни она», дейилмаган. Тарбия ишида ота-онани, мактабни, яна аллакимларнидир айблаш ўрнига, ҳар биримиз ушбу тарбияга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Жиноят кўчасига қирган ўсмирларнинг орзулари бизларнинг лоқайдлигимиз ортида, бепарволигимиз

панасида қолиб кетди. Тенглик замонида яшаб катта бўлган, биз катталарнинг манқуртларча фикрлашимиз, аксарият ҳоллардаги журъатсизлигимиз меваси сифатида ўсмирлар жиноятга қўл уришяпти. Дейлик, уша бозорда бировнинг пулини, бировнинг молини тортиб кетаётганда бизларнинг ишимиз бўлмайди. «Милиция ходимларининг иши», — дея ўзимизни кўрмаганга олдик. Агарда кўпчилик уша ўсмирни билагидан маҳкам ушлаганда жиноят содир бўлмасди.

Шуни таъкидлаш керакки, жиноятчи ўсмирлар ижод қилаётган, илм олаётган, меҳнат қилаётган, спорт билан шугулланаётган ўсмирларнинг кўламига нисбатан жуда ҳам озчиликни ташкил қилади, худди бармоқлардаги тирноқнинг танага нисбати каби. Бир чимдим йўлини йўқотганларга нисбатан юртимиздаги барча ўсмирлар ҳақида салбий фикр юритиш инсофдан эмас.

Энди миллий мафкура масаласига келсак, бу соҳада жуда кўп ишлар қилинмоқда. Президентимизнинг «Тафаккур» журнали, «Туркистон» рўзномаси бош муҳаррири ҳамда «Туркистон пресс» ахборот агентлиги бош муҳаррири саволлари га жавобларида миллий мафкура ҳақида асосий фи-

рлар баён этилган. «Виждон эркинлиги ҳақидаги қонун», «Тошкент Ислам Университетини ташкил қилиш» ҳақидаги фармонлар ҳам бу йўлдаги қадамлардир. Таълим соҳасини ислоҳ қилиш, 2005 ва ундан кейинги йилларда ҳам амалга оширишимиз керак бўлган вазифалар, янги ўқув лицейлари, хунар коллежларини бунёдга келтирилиши, ёшларимизни чет элларда таълим олишлари, юртимизга хориждаги олим ва мутахассисларнинг жалб қилиниши ҳам миллий мафкурани яратиш соҳасидаги улғу ишлардир. Бу ишларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Бу ишларнинг барига давлат ҳар томонлама ёрдам бериб, раҳбарлик қилаёпти.

Бугун лоқайд бўлишга, юртимизда амалга оширилаётган улкан ишларни пайқамасликка ҳаққимиз йўқ. Ёшларимизнинг бу кунги бахтларига ҳавасимиз келган ҳолда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Жиноятчи ни бармоқ билан кўрсатиш ўрнига, уни тарбиялашга интилайлик. Ташаббускор ва журъатли бўлайлик.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ, олий тоифали ўқитувчи.

НАВОЙНИИ ЎРГАНАМИЗ

«МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ»

Тавозеъ — (одоб сақлаш, ҳоқисор бўлишлик) кишига элнинг муҳаббатини жалб этади: элни дўст қилади... Қайта-қайта кўрсатилган тавозеъ — ҳаёсиз такаббулларни уст сарҳадга томонга йўлдайди ва ҳаддидан ошиб кетган гонимини ҳам ёмонлик қилишдан қайтаради. Тавозеъ — айрим зотлар томонидан қилиниши мумкин бўлган ҳурматсизлик эшигини беркитади ва одамни ҳазилмазаҳ бўлиш, камситилишдан сақлайди...

Тавозели, яъни — гўзал хулқли одамлар қанча кўпайса, халқнинг орасидаги дўстлик, одамларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати шунчалар ривож топади...

Ҳикоят:
Ровийлар (ривоятчилар) шундай ҳикоя қиладиларки, бир шикор пайтида отда елдек учиб кетаётган Хусров Парвезнинг бошидаги шоҳлик тождан бир порлоқ гавҳар тушиб кетади. Ҳаманинг хаёли овда бўлгани боис бу йўқотишни ҳеч ким сезмайди. Ниҳоят, овдан кейин Мадодинга қайтилади. Ана шунда шоҳнинг тож гавҳари тушиб қолгани маълум бўлади. Шоҳ амри билан жар солинади: уша гавҳарни топган кишига жуда катта инъом ва муқофотлар ваъда этилади. Зероки, у жаҳоир мамлакатнинг бир йиллик хирожига тенг экан.

Халқ биебонга чиқиб, гавҳарни излай бошлайди. Йўлбоши, яъни, ваъда қилинган совгаларнинг мутасаддиси ҳам изламоқда ва ҳар кимсага кўз-қулоқ бўлиб бормоқда.

Иттифоқо, бу оломон қаршида иккита сувори кўринади. Уларнинг бири — Мудбир, иккинчиси Муқбил бўлиб, биринчиси — такаббур ва жоҳил, иккинчиси — камтарин ва одоб соҳиби эди. Жаҳоирни изловчилар билан улар дуч келишади. Шунда Мудбир ўз одатича манманлик билан муқофот мутасаддисининг ҳатто саломига алик олмасдан ўтиб кетади. Муқбил эса ўз одатига содиқ қолиб, жумла қатори йўлбошига ҳам эғилиб салом беради. Ва...

... Худди шу сонияда оёқ остида ётган нодир тошни кўриб қолади-да: «Излаб юрганларинг шумасми?» дея гавҳарни олиб, бошлиққа узатади.

Йўлбоши Муқбилни ёнга олиб, шаҳарга қайтади. Шоҳга рўбарў қилади.

Шоҳ бениҳоя шод бўлиб, Муқбилга ташаккурлар изҳор қилиб, ҳаддан зиёда эҳсон билан уни тақдирлайди. Муқбилга эргашиб келган Мудбирни... шаҳар ҳаммомига гулоҳ қилиб қўяди.

Босишга тайёрлаган — филология фанлари номзоди Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА.

Сўх туманидаги Бобоқалон фуқаролар йиғини жамоаси Президентимиз томонидан тўй-ҳашамларни тартибга солиш, тўйларни сарф-харажатсиз ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўймашлик ҳақидаги фармони асосида жамоада кўпгина ибратли ишлар амалга ошириляпти.

— Президентимиз Фармонида сўнг, қиш-

ТҮЙЛАРИМИЗ ТҮЙДЕК УТАЯПМИ

лоқ маҳаллаларида, тўй-хашамлар қилинадиган хонадонларда бўлиб, фуқаролар ўтасида кенг дорада тушунтириш ишлари олиб бордик, — дейди биз билан суҳбатда жамоа фуқаролар йиғини раиси Лайлинопа Мамадалиева. — Ҳозирги кунда барча тўй-хашамларда ортқича са-

рф-харажатларга, исрофгарчиликларга тамоман чек қўйдик.

Турғунбой Тўраев, Жўрабой Соттиев, Раҳматжон Сафаров, Бобо-жон Хидиров хонадонларида нишонланган тўй-хашамлар деярли ҳеч қандай чикимсиз ўтказилди. Бу борада М.

Нурматова, С. Фойбоба, Д. Эгамбердиев каби маҳалла фаолларининг олиб бораётган ишлари таҳсина сазовордир.

Қисқача қилиб айтганда Фармон асосида олиб борилаётган ҳар бир тадбир дилингизни завққа тўлдирди.

Асқарали АКБАРЖОНОВ
Фаргона вилояти.

ҲОТИРЖАМЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Тақдир тақозоси билан, Тожикистоннинг Зафаробод туманига йўлим тушиди, анимогои шифохонадаги бемор қишни кўриб келишга тўғри келди. Бу туман Сирдарё вилояти Ховос шаҳарчаси билан чегарадошдир. Икки киши бўлиб, кеч соат 20—00 да энгил машинада чегарага етиб келиб, паспортигимизни кўрсатиб, нима максатда бораётганимизни тушунтирдик. Шу тариқа чегара постидан ўтдик. Ярим қаҳирим пиёда йўл юриб, қўшни давлат чегара постига кириб бордик. Бу икки давлат орасидаги катта асфальт йўл лотқилар билан тўсиб қўйилган бўлиб, пиёда ёки велосипеддан бошқа уллов ўта олмайдими. Тожикистон чегара постида жуда хунук манзара кўзга ташланди. Икки ҳарбий кийим кийган, 17—20 ёшлардаги йигитлар,

оёғида қора қишки ботинка, бошидаги қишки телпакини каттик бостириб кийган, бушлатининг ёқасини кўтариб олган, фақат икки кўзи кўринади, холос.

Бизга рўпара келиб «Тўхтанлар», деб паспортигимизни қўлига олиб уёқ-бўёғини кўрди-да (бирор камчилик топишга саводи етишмайди), ҳар хил бўлмағур саволлар бериб, анча вақт бизни ушлаб туришди. Нарироқдаги вагон-уй ичида яна 2—3 киши ўтиришарди. Бизни шуларнинг олдига олиб бориш эҳтимоли бор эди. Агар уларнинг олдига олиб борсан, бундан ҳам баттар савол-жавоб бўлмасин, деб икки ёш ўспиринларга ўзгача муомала қилиб, тинчгина ўтиб кетдик. Назаримизда, бу чегара постида ҳеч қандай қонун-қоида хукм сурмас эди.

Зафаробод худудига кириб, яна 15 қаҳирим йўл юриб, шифохонага етиб бордик. Кўчалари

қоронғи, жим-жит, ондансанда уйлардан миллилабган ёруғлик кўриниб қолади. Транспорт йўқ, одамлар ҳам айтарли кўринмайди, икки жойда 3—4 миллия ходимларининг тўп-тўп бўлиб турганини кўриб, этимиз жунжикиб, юрагимизда бироз ҳадиксираш ҳамда ваҳима шарпаси пайдо бўлди.

Борган шифохонамиздаги бемор танишимизни кўриб яна кўнглимиз гаш тортиди. Беморимиз реанимация бўлимида бўлиб, ахволи ўта ноҳор эди, дори-дармоннинг тақчиллиги, малакали врачларнинг йўқлигини тузалиб кетишига кўзимиз етмай, жуда қайғурдик. Наридан-бери тасалли бериб, қайтишга мажбур бўлдик.

Қайтишда бемор ахволдан бир ачинсак, йўлдаги ваҳимадан икки бародар қийналдик. Худо кўрсатмасин, шу йўлда бирор қор-ҳол рўй берса, на бир одам, на бир уллов ёрдамга келади?!

Шу ҳақда гаплашиб ярим соатча йўл юриб, ўз чегарамизга етиб келдик. Айтиш керакки, ёшимиз 60га етиб қолган бўлса-да, бундай ноҳуш ҳол биринчи марта бошимиздан ўтди. «Танаси бошқадард билмас» деганидек, китобларда кўрганмиз, кинода ўқиганмиз, аммо киши ўз бошидан ўтказмаса, бу ташвишни тўла ҳис эта олмас экан.

Давлатимиз қўшни, еримиз туташ, осмонимиз бир, аммо уёқда нафас олишдан кўра бу ёқда нафас олиш минг марта энгил.

Осмонимиз мусоффо, юртимиз тинч, Ўзбекистонда хотиржам яшаётганимизга бениҳоя хурсанд бўлдик. Аввало, Яратганга шукр, қолаверса бахтимизга юртбошимиз Ислам Каримов тинч-омон, соғ-саломат бўлсинлар!

Отамурод РУСТАМОВ

БҲР ТУЗУ ОҚ, БҲР ТУЗУ ҚОРҚ

**Бўлди ажаб
ҳангомалар**

Мен уни ўн йил аввал учратганман. Тиззадан банд кўйлақ кийиб, сочили лайлак уя қилиб турмаклар, бошига темир қалпоқ кўндириб, мотоцикл миниб юрарди. Давраларнинг тўрида ўлтирар, қадаҳ сўзи айтар, (у буни маданият белгиси деб биларди), қадаҳ сўзиб, «Оқ лайлак»дан ичар, ширакайф бўлиб, хумордан чиққанча ашула айтиб, рақсга тушарди. Давраларда косагул ҳам, идорада маърака — тadbирларнинг боши ҳам, ёрдам кассасининг хазинабони ҳам у эди.

Ҳар ойда тўрт-беш марта хизмат сафарига чиқар, унинг барча юмушлари эр зиммасига оқларди.

Замонлар эркин бўлди. Мўмин-мусулмонлар масжидларга бориб тоат-ибодат қила бошладилар. Муборак рамазон ойлари рўза тутта бошлади. Қабристонлар обод бўлиб, ўтганлар руҳини шод айлаб, марҳумлар бошида ояти карималар янграй бошлади. Кечагина давралар гули бўлиб, косагулли қилаётган Хонимбека отинийлардан беш-олти ояти калимани ёдлаб, ўрганиб олди. Ҳар ойда бир кўй сўйиб, чилла ўтиришини одат қилди. Топганини тоғорага жойлаб, масжиду-қадамжоларга садақа қилишга ошиқди. Бир кунда ҳамма беш марта намоз ўқиса, у хар кунни беш кунлик нафл намозини ҳам ўқишга ўтирди. Тонг саҳардан кун ёйилгунча намоз ўқийдиган, жойнамоз олдига бир коса сув қўйиб, дам оладиган бўлди. Авваллари иссиқ-совуқ амалларини бировларга бориб қилдириб келадиган бўлса, энди бу ишга ўзи қўл урди.

Комил инсонлар саждага бош қўйиб элу юртга омонлик, яқинларига узоқумр, фарзандларига инсоф-диёнат, рўзгорига ризқу барақа тилайди. Хонимбека эса ўйил билан келинни совутиш учун жойнамоз устида турли дуоларни ўқиб, уларнинг йўлини боғлаб юрарверди.

Ўғилнинг топгани онанинг сеҳру жодуларига сарф бўлаверди. Давраларга кирса, инсофу диёнатдан, ҳалолу ҳаромдан, ота-она ва фарзандларнинг ҳақлари ҳақида сўйлаб, барчани оғзига қаратадиган бўлди. Жаннат ва дўзахдан, киёмат-койимдан, манзилат айвонларидан сўйлар, даврадагилар гоҳ хаёлга ботиб, гоҳ кўзга ёш олиб тинглашарди. Худди жаннат билан дўзах дарвозасининг калити ундаю, унинг ижозати билан биров жаннатга, бировлар дўзахга рухсатнома оладигандай. Уйда эса... келиннинг турли ич кийимлари, сувратлари ўз-ўзидан йўқ бўлиб қолар, яна жойида пайдо бўлар, остонада гоҳ тупроқ, гоҳ кул уюмлари ётарди.

— Отинойи, бу сизнинг ижодингизми? — деб инсофли қайнота келин келгунча остонани тозалаб, сочилган сеҳрли нарсаларни йиғиб, сувқоғозга солар ва ташқарига чиқариб ташларди.

Курбон ҳайити арафасида кўй сўйилди. Хонимбека қўйнинг қонини дарвозаларга сурди, остоналарини бўяди. Икки болдирига, пешоналарига курбонлик кўйнинг қонини сурди, кун бўйи юрди. Уша кечаси туни билан ухламади. Жойнамозини тонггача йиғмади. Ёнида бир коса сувга дам бериб, эртаси кунни яна ўйилга ичирди. Кўринг томошани. Кўй оғзидан чўп олмаган ўғил мувозанатдан чиқиб кетди. Уйдан безиб, хотинга қарамай қўйди. Тун ярмида хаёл-беаёл уйга келар, осмонга тикилиб ётар ва яна тонг-саҳар ишга жўнаб қоларди. Байрамлар байрамга, ҳайитлар ҳайитга ўхшамай қолди. Ўғилнинг қўлоғига «Курьон»да бир эр-

какка тўрт хотин олиш мумкин, деган ақидани қўяверди. Ўғил хотиннинг олдига кирмаган кунни Хонимбека учун байрам бўлар, яна изи-

риб, замонавий қизларга хос кўркем ва бежирим кийина бошлади. Хонимбека эса келиннинг узун кўйлақлар кийиб, уйда ўтиришини, саждага бош қўйишини, бирга намоз ўқишини истарди.

Иттифоқо, кунларнинг бирида келин хизмат юзасидан сафарга чиқиб кераклигини айтди. Сафар сўзини эшитган Хонимбеканинг ваҳожати ўзгарди, ўғилнинг қўлоғини буради:

— Кўявер, кетаверсин. Бир оғиз яхши сўз айтсанг, ўғлим эмманас. Энаси ўлмаган иди аман олиб берман...

— Сафарга кетяпман. Бир нарсасан десангиз-чи. Икки кунда келаман, — ялинди келин.

Эр деворда кўй гезариб турар, бир оғиз сўз айтишга тили бормасди. Хизмат сафаридан қайтган келин эрни уйда учратмади. Эр боғ ховлида турар, она эса ҳамон сувга дам солиб, ўйилга ичириш билан овора эди.

— Сафарга чиққан хотин энди сенга бегона. Қайрилиб қарамайсан, — миясига қўярди она.

Аслида, уйдаги гўди-бидилар, она ва хотин ўртасидаги талашшлар уни аллақачон бегонага айлантирган, эр иссиқ бир бағир топиб, хотинини тамоман Хонимбеканинг панжасига топириб бўлган эди. Кунларнинг би-



рида эр хотинга оғзидан гуллаб қўйди: — Фалончини иккинчи хотин қилсам...

Жанжал ва ҳўрликлардан тўйган келинчақ, бир сидра кийим-кечагини ва жажжи ўғилчасини олдию, бош олиб чиқиб кетди. Ўғил икки ўт орасида қолди: хотинга интилса, она розимасман дейди. Онанинг кўнглини олай деса, хотин ва бодасидан жудо бўладиган. Ўғилнинг ишлари орқага кетди: ишидан камомат топишди, бир амаллаб жонини кутқариб қолди.

Хувиллаган уйда туллари уни хаёл чирмайди. Она беш пайт намозини ўқиб, хўррак отиб ухлайди. Ўғил эса ўйкусиз тонг оттиради. Умрини таҳлил қилади: чигал тақдирига кечим излайди.

Она тонг саҳардан унинг онгига заҳар пуркайди: хотиннинг шим кийиб юради. Сочини қирқди. Хизмат сафарига юради. Узининг эса эмизикли боласини қайнонага ташлаб, шаҳарма-шаҳар юрганю, эрнинг кир пайпоқларини бир марта ҳам ювиб бермаганини ҳеч ким билмайди, деб ўйлайди. Маҳаллада «пакана жодугар» лакабини олган хонимни энди янгиचा ном билан сийлашди:

— Келиннинг аёби, — сафарга чиққани экин, — деди қўшниларидаан бири.

— Савил, — деди иккинчи ҳамсоя, — бу кимини Абдулла Қаҳҳор айтганларидай, майиз емаган хотин...

Мавлудга келган бир уй хотин-халаж туриллаб қўлиб юборди. Ушандан келиб Хонимбеканинг айтганлари бошқача, қилган иши бошқа деб, маъракаларнинг турлига чорламай қўйишди.

«Майиз емаган хотин» маҳалла аёлларига энди ўзини иситиш учун пирларига қатнаб юрган эмаш...

Сиз ҳам уни танигандирсиз?..

Ойдин ХОЖИЕВА

ШЕЪРНИ ОШИҚЛАР ЁЗАДИ

Газетхонлар ижодига
чизгилар

**Шеър — кўнглини покловчи дарё,
Шеър — руҳни балангладиган қанот.
Шеър — соқчи,**

давлаткор, жарчи.

Унинг иси бир, сифати минг. Хайрати борлар, ишки борлар кўнглига шеър келади. Шеърни суйганлар, суйиб куйганлар, куйиб, висолда қайта тирилганлар ёзади. Қайси юрда меҳр-муҳаббат тирик бўлса, шеър кўпаяди. Тангри ёруғ, дардли элга шоирни сийлов қилиб беради.

Эҳтимол, шундай фазилатларимиз борлиги учун азал-азалдан бизнинг «Гадосидан шохгача шоир», — деган ёрлигимиз бордир. Шунинг учун жиддий-жиддий мажлисларда ҳам бемалол шеър лаҳжасида гапираремиз. Ва бундан ҳеч ким таажубга тушмайди. Бинобарин, шарқ учун шеърпарастлик нуқсон эмас, ҳаммаша фазилат бўлиб келган. Бу гапимиз тахрирларимизга оқиб келаётган шеърли мактублар ҳам исботлаб турибди.

**Оиласи тинч, хотиржам,
Бўлган ҳаёт оромда.
Шунинг учун теша чопар,
Уста ҳам бир маромда.**

**Боқий сўз: бил оила,
Эр йигитнинг савлати.
У тинч бўлса шундан эрур,
Ватанинг ҳам давлати.**

Тошкентлик Хусан Аҳмедов «Эр йигитнинг давлати» шеърини эртагини шундай яқунлайди.

Ҳар уй ўз тартибларига эга мамлакат бўлса ҳам, у оролда эмас, унинг об-ҳавоси жамиятга муттасил таъсир қилиб туради, деган ҳақиқатни айтишнинг ўзига хос йўлини топган наманганлик Ризахўжа Обидовнинг «Онамга», Фарғона вилояти, Фурқат туманидан Абдурахмон Ҳўраевнинг «Болагинам» бадисада ҳаётнинг мангу фарсафасини шеърга айлантиришга уриниш бор.

Тахририятга келган шеърларнинг кўпи Ватан мавзусида. Феруза Алимжонованинг «Ватан», тошкентлик Матлуба Абдусаломованинг «Ўзбекистон юрагимда», фарғоналик Ботиржон Эргашевнинг «Буюқ давлат», Муқаддас Шерматованинг «Одамлар», ҳашқадарёлик Хосият Жабборованинг «Омон бўлинг юртбошим» каби машқларнинг сарлаҳасиёк мазмун манзарасини беради. Бу машқларни ўқиб, Ватан, юрт, Ўзбекистон, давлат каби тушунчалар сисбатдан қалбга кириб бораётганига ишонсан. Уларнинг фақат сўз бўлиб эмас,

муҳаббат, эътиқод, садоқат бўлиб юраклар тубига ўрнашишини хоҳлайсан. Уша улуг тушунчаларнинг юракларда, гуллаб юборганини кўргин келади. Ич-ичиндан гулга айланган ватан севгисидан туғилган шеърларни орзулайсан. Халқда «Ун саккизга кирмаган ким бор», — деган нақл юради. Ҳа, ун саккизда севмаган ҳам йўқ.

Гулнора Ғаниеванинг «Севги гуллари», Ботир Дулановнинг «Қизларжон», андижонлик Феруза Усмонованинг «Айрилиқ», Назрулло Ғозиевнинг «Бу тун», Саттор Йўлчиевнинг «Аёллар», Абдурахим Асқар ўғлининг «Бу дунёда яшиллар бор» каби машқларида инсонни, муҳаббатнинг мангу севинчу азоблари оламига бошлайди. Муҳаббат барибир дунёдаги энг яхши туйғу эканига қайта-қайта ишонаверасан.

**Пиёлангдан шудринг ютай
бир културм,
Дардларимга дармон ўзинг
лолажон.**

— деб ёзибди сурхондарёлик мўлимиз Насибхон Бозорова «Лола» деб номланган машқда.

Ҳа, табиатан рухий мадад олмаган инсоннинг руҳиятида кемтиклик бўлади. Кимки пуштиланган, яшилланган боғларда қулоч ёзиб юргуси келса

юлдузларни силаб-сийпаламоқни орзуласа, майсаларни кўчқоқлиғиси келса, у чин шоир. Шу жиҳатдан Самарқанд мактаб ўқувчиси Моҳиғул Ботирова, тошкентлик Барно Абдурахмонова, Мўмин Холмуродов, Эркин Кодиров, Шаҳноза Мейлиева, Озода Муродова, С. Жўраева, Райхона Шўдронқулова, Муниҳсон, О. Ғозиева, Д. Игиталиев, Шерзоод Холиқов, Роҳатой, Фарход Исмоилов, Н. Хайдаровнинг машқларида ҳам улкан меҳр тафтини сезасан.

Шеър—ҳайрат, у шоирдан куч ола ҳам, унинг яратувчиси тафаккур, илм. Бугун тангрига шукр, ўқийман деганга манбаа кўп. Тарихий, фалсафий, илмий асарлар етарли даражада. Боз устига, ҳақон адабиёти каби дунё хазинасига очилган дарча...

Бири-бирдан имкони етганича озиқланиши даркор. Илмсиз ёзилган машқ, машқ ҳолича қолиб кетаверди, ўсмайди. Шунинг учун ким шеърни деса, ким ошиқлик йўлига кирса, унинг куймак, куйдирмакларига ҳам ўзини чоғлаши керак бўлади. Яратган чин ошиқни ҳеч қачон ноумид қолдирмайди. Демак, чин шеърни деганлар бир кун шеърдан бахт топади.

Қутлибека РАҲИМБОВЕВА

УЛАРНИНГ ОНА ДЕГАН НОМИ БОР...

«Юлдузи порлаганлар қаторида бўлсам» 13-сон

Мақола юзасидан ўз фикримни ва шу қизикига ўхшаш ўз ҳаётимдаги аччиқ воқеаларни ёзмоқчиман. Аввалига бу нарсаларни ёзишга бироз тортиндим, сўнгра минг андиша ва минг армон билан қўлимга қалам олдим.

Хурматли Лобарой! Менинг ҳам ёшим 17да. Менинг ҳам опам, ака, синглим бор. Опамни мактабни битириши билан зўрлаб эрга беришган. Ҳозир оилада катта қизман. Ўзим табиатан шўх ва қувноқ бўлганим учун ҳеч ким дардалам билан яшаётганимга ишонмайди. Мен ҳам ўз ўртоқларим қаторида ҳаётдан баҳра олиб яшашни хоҳлайман. Лекин мени афсуски, энди оқ билан қорани яхши ажратадиган бўлганимда уларга ҳеч қачон тенг бўла олмастим. Аслида мен ҳеч кимга ўз сирасорларимни айтмайман, шунга ўрганганман. Кўчада биров билан уришсам ҳам уйга келиб на акамга, на бошқа одамга айтардим. Бировга арз қилишни виждонсиз ва кўрқоқлар учун чиқарилган деб тушунаман. Шунинг учун ҳам ҳар доим аламни қороздан оламан. Дардларимни сувга, тошга ва майсаларга айтман. Турмуш қийинчиликлари пул ва илму амаллар одами баджаҳл ва бадзабонликка олиб келаркан. Мени онам билишимча эрга тегишдан олдин жуда яхши яшаган, келин бўлган эса унинг учун оғир кунлар бошланган. Қайнонанинг ёлгонлари, эрининг калтаклари етмаганидай, қайнонанинг эшигимизга илму амал селиб кетишарди. Каттани бир кун ўз амманнинг уйимиздаги шолча, тагиға нимадир қўяётганини сезиб қолдим. Амман уйига кетган, шолчани тагидан аллақандай ил топиб олдим. Хуллас, шулар туйғайли онам баджаҳл бўлиб қолди. Ҳозир онамни жаҳли чиқиб турган пайтда гапириш у ёқда турсин, ёнига яқинлашган ҳам кўрамаман. Онам мени шундай қарғайди, шундай сўкади, ҳаётдан бутунлай умидимни узиб қўяман. Ҳозир бу ёруғ дунёда нима учун яшаётганимни билмайман. Тўғри, она шуниси билан она. Лекин сўкиш, қарғаш ва уриш ҳам эви билан-да. Ахир ўз онаминг «Сени қайёнда нам тугдим», Сен тугилаётган пайтнингда ёстиқнинг тагиға босиб ўлдириб қўя қолсам бўлмасмиди, ўша ёшлигингда касал бўлганимда ўлиб қолсанг бўлмасмиди-а», деган сўзлари юрагимни тилка-пора қилади ҳар гал. Бундан бир қанча вақт олдин: «сен ўлмасанг мен астиям розимасан», деган гапи мени испис бўлиб, пичоксиз сўйди. Онам бу гапларни гапирганидан кўра ўлдириб қўя қолгани яхши эди. Онам мени шунча уриб, сўкса ҳам сира хафа бўлмасдим. Умуман онамни ёмон деб бўлмасди. Лекин шу кун биринчи бор онамдан хафа бўлиб қолдим. «Мен ўлсам, онаминг кўнгли жойига тушар экан, майли ўлайин, менинг ўлигимни кўрсин, ўлигимга тўйсин, дедиму, гуноҳи азимлигини билла туриб жонимга қасд қилдим. Онани норози қилганда азоб чеккан яхши эмасми? Мен шу каби ўйлар билан бўлиб кетма-кет дори ичдим. Билмадим, ўлим ҳам мендан ор қилдим, ё кўпроқ ичмаганим учунми ёки ажалим ет-

мадим, билмадим ўлмадим. Ҳатто мени жонимга қасд қилганими биров билмади. Мен дорининг кучидан уйда ҳушсиз бўлиб ётганимни улар йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолган деб ўйлашди. Ма-на шунанга гаплар. Буларнинг бўлганига анча вақт бўлди. Лекин яқинда онаминг «Сени ёмон кўраман, сендан бутунлай кўнглим совуған», деган сўзлари юрак-бағримни ағдар-тўнтар қилиб юборди. Ҳар доим кўчада биров билан уришсам, «Акамга айтаман», акам ёки опам билан уришсам «Онамга айтаман», Онам уришсалар «Сизни дадамга айтаман», деб йиғлардим. Лекин дадам ҳар гал урганида кимга айтишимни билмай, гарани бўлиб қоламан. Уша пайтда мен учун дунёда суяниқ, мени химоя қилувчи бирор киши қолмаганига ачиниб кетаман. Айниқса, болалигимдан эсдалик бўлиб қолгани: ҳали мактабга ҳам бормай туриб, дадам мени томондан судраб тушгани, россга дўппослаб-дўппослаб, оғзимга тамакини тўлдириб тикқани кўз олдимда кечагидай туради. Ёшлигимда онамга гап қайтарсам, онам мени уришиб беради, гап қайтармаслигимни талаб қиларди. Шу пайт онам кираб «Ха, нима кипти, сен ҳам менга гап қайтарасан-ку», дер эди. Бу мен учун рағбатлантириш эди. Онаминг шу каби рағбатлари туйғайли бадзабон бўлиб қолдим. Ҳозир эса синглим мени менсимайди. Мен бундан асло хафа эмасман. Лекин мени қийнаган яна бир нарса, синглимни ҳам мен каби бўлиб қолиши. У ҳам менга гап қайтарса, онам ёнини олади. Лекин, билмайдими, у ҳам тобора бадзабон бўлиб бораёпти. Ҳозир мен шу даражадаманки, ўлик бўлиб ўлаганимни, тирик бўлиб яшироқ яшаганимни билмайман. Мен учун ҳаёт гўё тугаган. Мен келажак ҳаётимдан шу даражада кўркамани, ўйласам юракларим орқага тортиб кетади. Ураварсанг-эти, сўкаварсанг бети, қотайди, экан одамнинг. Мен Ҳозир бадзабон, баджаҳл бўлиб қолдим. Энди бундан қутила олмаёти азобдаман. Билмаман, онам мени шу даражада ёмон кўриб қолишига ўзим, албатта, сабабчиман. Лекин мени бундай бўлишимга ким сабабчи? Билмайман, хатто билишни ҳам истайман. Мен бу нарсаларда асло онамни айбламайман. Мен уни яхши кўраман. Лекин бўлиб ўтган воқеалар мени тирик мурда қилиб қўйди... Биргина овуғганим ўқишга кириб олсам дейман, зора шунда бир оз ором олсам. Лекин ўқишга кира олмасам мен албатта, ўлишим керак. Ахир онани рози қилиш ҳам фарз, ҳам қарзку. Энди Лобарой сизга сўзим-биз нима қилганда ҳам фарзандимиз. Уларнинг эса она деган номи бор. Биз бу ўткинчи дунёга синов учун келганми. Тақдирга тан беришдан ўзига илож йўқ. Аллоҳ суйган бандасига дард беради. Бариға чидайми. Бирок оналар фарзандларига нисбатан сал очикчандра бўлсалар, фарзандларининг бахти шу, деган фикрдаман.

ФЕРУЗА

БАЛКИ СИЗНИ ҲАЛИ ЖАЗОЛАР...

«КЎЗЛАРИ ҲАЙРАТДА ҚОТГАН БОЛАЖОН» -12-сон

Нуржаҳоннинг жоҳиллиги, тўғриси, менда унга нисбатан нафрат уйғотди. Шу ўринда бундан 7 йил аввал бўлиб ўтган бир воқеа эсимга тушди.

Ушанда, чамамда 1-курсда ўқирдим. Талабаларнинг бошидан кечирганлар билса керак, моддий томонлама сал қийин бўлган дамларда киши албатта ўқишдан кейинги бўш вақтидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Мен ҳам бо-зорга кўп бориб турардим. Худди шундай ташрифларнинг бирида бизни арок заводининг омборонасига ишга олиб кетишди. Биз 14 вагон арок юклашимиз керак эди. Учинчи кунни биз машинада юкни олиб келиб вагонни кута бошладик. Юк станциясида қатор турган вагонларни тўрттасини биз учун олиб келётган тепловоз қаттиқ зарба билан вагонларни итариб юборди, вагонлар рельсга келиб қуфланиб қолиши керак эди. Қаттиқ зарба билан келиб қуфланиб қолган вагонни ичида яшиқлар бор эканим, қасур-қусур бўлиб кетди. Экспедитор менга қараб: «Дилшодбек, вагондаги яшиқларни чиқариб ташлаб тозаланг, бошқалар ортаверради», деди. Учинчи вагонни тозалаётганимда яшиқлар орасидаги... нарсани куриб қотиб қолдим. «У нарса» эмас, оппоқ чойшабга ўралган гўдак эди. Оллоҳнинг марҳамати қарангки, уч-тўрт қатор терилган яшиқлар ёнидаги сомон уюмига ташлаб кетилган чақалоқнинг устига ҳали берилган зарба натижасида йиғилган яшиқлардан бирортаси боланинг устида тушмаган, ҳаммаси учиб кетиб сал нарамига тушган, гўдак эса «пиш-пиш» қилиб ухлаб ётарди. Уни, тахминан, бир-икки соат олдин қайсидаир тошбағир она ташлаб кетганлиги яққол кўриниб турарди.

Нима қилишимни билмай қараб тураверибман, ташқаридан келаятган овоз хушимга келтирди. Секин бориб гўдакни қулимга олиб, юзидagi марлини кўтардим. Миттигина чақалоқ экан, ёнида қорғози ҳам бор экан. Болани ташқарига олиб қикдим, юк ортаётганлар қулимда гўдак билан тушиб келаятганимни кўришиб, ҳайратда қотиб қолишди.

— Нима у? — яшиқлар сонини санаётган экспедитор олдимга келаркан. — Чақалоқми, Дилшод?

— Ҳа, чақалоқ экан, ма-на ёнида ҳужжатлари ҳам бор экан, ўқиб кўрингчи, кимни боласи?

Экспедитор қулимдан боланинг ҳужжатларини олиб кўз югуртира бошлади.

— Исми Дониёр экан, фамилияси... (айрим сабабларга кўра фамилиясини айттолмайман).

— Бунни нима қиламиз? — сўради шериклардан бири ҳайрон бўлиб.

— Милицияга олиб бориб бериш керак, — деди бошқаси. Уларга қулоқ соладиган бўлсам ҳақиқатан болани милицияга топшириб юборишмоқчи.

— Агар, йўқ демасангиз мен бу чақалоқни уйга олиб кетсам, - дея экспедиторга қарадим. Шу сонияда мени кетишим уларга оғир ботарди, шунинг учун ҳам улар норози холда қараб туришарди. Яна яратган Худойимнинг меҳри ёрдамга келди, гўдак уйғониб кетиб йиғлай бошлади. Экспедитор ноилож бола йиғлагани учун руҳсат берди.

— Майли, боровер, эртага эртарақ кел, чақалоқни биз кўрганмиз йўқ, тушундингми?

— Тушундим, - дедиму, таксига ўтириб амманларникига жўнадим. Поёнтх туманларининг бирида яшайдиган бу амманнинг ҳамма нарсаси бор, бойлигини нима қилишни билмай юрарди. Оллоҳ бу охирага хусн ҳам, бойлик ҳам ато этган эдию, аммо ундан-да қимматроқ, азизроқ бойликдан-фарзанддан қисган эди. Уларга шодлик, олий бахт бўлиб уларни айни дамда хўрсанд қилиш учун вазиет тугилганини сезган эдим. Қулимдаги чақалоқ йиғлай бошлади, нима қилишни билмай шофёрга қарадим...

— Ҳа, ука, онаси қаерда буну?

— Онаси касалхонада буну, — дедим сир бой бермай.

Йиғлаётган гўдак билан амманларникига кириб борганимда, ҳовлидаги чорпоқда чой ичиб ўтирган амманнинг кўзлари ҳайратдан дум-думалоқ бўлиб кетди. Чорпоқдан югуриб тушиб қулимдан чақалоқни олдида, овуға бошлади. Чақалоқ йиғисига, хидига неча йиллардан буён зор бўлган, гўдакни қўлига олишни худодан илтижо қилиб сўраб юрган амманнинг хатти-ҳаракати менга ёқимли туюлди. Чақалоқнинг тағи хўл бўлган экан, амман югуриб уйга кириб янги «гўдаклар комплекти»ни олиб чиқиб, тагликни алмаштирди-да, менга қаради:

— Бу кимнинг боласи, Дилшод?

— Вагондан топиб олдим, амма.

— Алдама, сен ер ютур бирорта қизни алдай юргандирсан, болаларингни йўқотишни билмай юрибсан.

— И-е, нима деяпсиз, амма, мен ҳали энди 18 га кирдимку, қандай қилиб... ҳали бирорта қиз билан танишишга улгурганим йўғу, сиз бўлса...

— Ростингни гапир, бўйнинг узилгур, ростини гапир.

— Рост, амма, чинданам...

— Ундай бўлса болани олиб бориб «детдом»га бер, ёки милицияга топшир!

— Амма...

— Кимни боласи эканлигини билмаймиз-ку ким билди, балки бу бола касалдир...

Уйлаиб қолдим, масалан нозик томонларини ўйлаб кўрмалман. Нима қилишга бошим қотди. Ҳадиси шарифда «саовб учун ёлгон гапириш гуноҳга кирмайди», деб ёзилганини эсладим. Ноилож ёлгон гапиришга тўғри келди.

— Агар, йўқ демасангиз мен бу чақалоқни уйга олиб кетсам, - дея экспедиторга қарадим. Шу сонияда мени кетишим уларга оғир ботарди, шунинг учун ҳам улар норози холда қараб туришарди. Яна яратган Худойимнинг меҳри ёрдамга келди, гўдак уйғониб кетиб йиғлай бошлади. Экспедитор ноилож бола йиғлагани учун руҳсат берди.

— Майли, боровер, эртага эртарақ кел, чақалоқни биз кўрганмиз йўқ, тушундингми?

— Тушундим, - дедиму, таксига ўтириб амманларникига жўнадим. Поёнтх туманларининг бирида яшайдиган бу амманнинг ҳамма нарсаси бор, бойлигини нима қилишни билмай юрарди. Оллоҳ бу охирага хусн ҳам, бойлик ҳам ато этган эдию, аммо ундан-да қимматроқ, азизроқ бойликдан-фарзанддан қисган эди. Уларга шодлик, олий бахт бўлиб уларни айни дамда хўрсанд қилиш учун вазиет тугилганини сезган эдим. Қулимдаги чақалоқ йиғлай бошлади, нима қилишни билмай шофёрга қарадим...

— Ҳа, ука, онаси қаерда буну?

— Онаси касалхонада буну, — дедим сир бой бермай.

Йиғлаётган гўдак билан амманларникига кириб борганимда, ҳовлидаги чорпоқда чой ичиб ўтирган амманнинг кўзлари ҳайратдан дум-думалоқ бўлиб кетди. Чорпоқдан югуриб тушиб қулимдан чақалоқни олдида, овуға бошлади. Чақалоқ йиғисига, хидига неча йиллардан буён зор бўлган, гўдакни қўлига олишни худодан илтижо қилиб сўраб юрган амманнинг хатти-ҳаракати менга ёқимли туюлди. Чақалоқнинг тағи хўл бўлган экан, амман югуриб уйга кириб янги «гўдаклар комплекти»ни олиб чиқиб, тагликни алмаштирди-да, менга қаради:

— Бу кимнинг боласи, Дилшод?

— Вагондан топиб олдим, амма.

— Алдама, сен ер ютур бирорта қизни алдай юргандирсан, болаларингни йўқотишни билмай юрибсан.

— И-е, нима деяпсиз, амма, мен ҳали энди 18 га кирдимку, қандай қилиб... ҳали бирорта қиз билан танишишга улгурганим йўғу, сиз бўлса...

— Ростингни гапир, бўйнинг узилгур, ростини гапир.

— Рост, амма, чинданам...

— Ундай бўлса болани олиб бориб «детдом»га бер, ёки милицияга топшир!

— Амма...

— Кимни боласи эканлигини билмаймиз-ку ким билди, балки бу бола касалдир...

Уйлаиб қолдим, масалан нозик томонларини ўйлаб кўрмалман. Нима қилишга бошим қотди. Ҳадиси шарифда «саовб учун ёлгон гапириш гуноҳга кирмайди», деб ёзилганини эсладим. Ноилож ёлгон гапиришга тўғри келди.

— Агар, йўқ демасангиз мен бу чақалоқни уйга олиб кетсам, - дея экспедиторга қарадим. Шу сонияда мени кетишим уларга оғир ботарди, шунинг учун ҳам улар норози холда қараб туришарди. Яна яратган Худойимнинг меҳри ёрдамга келди, гўдак уйғониб кетиб йиғлай бошлади. Экспедитор ноилож бола йиғлагани учун руҳсат берди.

— Майли, боровер, эртага эртарақ кел, чақалоқни биз кўрганмиз йўқ, тушундингми?

— Тушундим, - дедиму, таксига ўтириб амманларникига жўнадим. Поёнтх туманларининг бирида яшайдиган бу амманнинг ҳамма нарсаси бор, бойлигини нима қилишни билмай юрарди. Оллоҳ бу охирага хусн ҳам, бойлик ҳам ато этган эдию, аммо ундан-да қимматроқ, азизроқ бойликдан-фарзанддан қисган эди. Уларга шодлик, олий бахт бўлиб уларни айни дамда хўрсанд қилиш учун вазиет тугилганини сезган эдим. Қулимдаги чақалоқ йиғлай бошлади, нима қилишни билмай шофёрга қарадим...

— Ҳа, ука, онаси қаерда буну?

— Онаси касалхонада буну, — дедим сир бой бермай.

Йиғлаётган гўдак билан амманларникига кириб борганимда, ҳовлидаги чорпоқда чой ичиб ўтирган амманнинг кўзлари ҳайратдан дум-думалоқ бўлиб кетди. Чорпоқдан югуриб тушиб қулимдан чақалоқни олдида, овуға бошлади. Чақалоқ йиғисига, хидига неча йиллардан буён зор бўлган, гўдакни қўлига олишни худодан илтижо қилиб сўраб юрган амманнинг хатти-ҳаракати менга ёқимли туюлди. Чақалоқнинг тағи хўл бўлган экан, амман югуриб уйга кириб янги «гўдаклар комплекти»ни олиб чиқиб, тагликни алмаштирди-да, менга қаради:

— Бу кимнинг боласи, Дилшод?

— Вагондан топиб олдим, амма.

— Алдама, сен ер ютур бирорта қизни алдай юргандирсан, болаларингни йўқотишни билмай юрибсан.

Дилшод ҚУЛДОШЕВ
Каттақўрғон шаҳри,
журналист

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Севинги дадажонимиз **ОРАТИКҲОЖОН!**

Таваллуд кунингиз билан табриклаб, Оллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз. Турмуш ўртоғингиз **Наргиза** ва ўглингиз **Жавлонбек**

«ДИЛОРОМ» ҲЎВУВ МАРКАЗИ ТАКАИФ ЭТАДИ

2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

1. Зардушлик — Бухорона.
2. Аёллар ва эркаклар устки кийимларини тикиш ва бичиш, моделлаштириш.
3. Аёллар энгил кийимларини тикиш ва бичиш, моделлаштириш.
4. Машинада қўлда гул тикиш.
5. Компьютер билимлари.
6. Бухгалтерия ҳисоби.

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

1. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).
2. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.

Манзил: Муртазова кўчаси, 40-уй. 3-қават, 63-хона.
Мўлжал: «Қозоғистон» кинотеатри.
Тел: 35-13-41, 58-48-50

ХАСАНОВ АБДУРАҲМОН АСҚАРОВИЧНИНГ ХУСУСИЙ ЛОР КЛИНИКАСИ

куйдаги касаллик билан оғриган беморларни қабул қилади:

1. Ҳўткир ва сурункали тонзиллитлар.
 2. Ҳўткир ва сурункали отитлар.
 3. Ҳўткир ва сурункали гайморитлар ва бошқа синуситлар.
 4. Сабабсиз йўтал ва аденоидлар.
 5. Эшитишнинг заифлиги ва қўлоқдаги шовқинлар.
 6. Томоқда ёт жисмин сезиш ва бошқалар.
- Мурожаат учун телефон: 76-86-85
Манзилгоҳимиз: Чилонзор, Қатортол кўчаси, 17-мавзе, 32-уй. (Яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 17 дан 21 гача. Халқлар дўстлиги кўчасидан «Совплас-титал» заводи йўналиши бўйича).

Ишбилармон ҳамда фаол хоним ва жаноблар.

Ишга тақриф қилинади. Қисқа вақт ичида ўз сармоянгни 50 баробар оширишингиз мумкин. (Савдо-сотик эмас).
Тел.: 30-32-26. 20дан — 23гача мурожаат қилинг.

ДИҚҚАТ

«Виртех-агро» қўшма корхонаси «Арбор-Айкрес» номли ўта тез ўсувчи бройлер жўжаларни аҳолига сотмоқда. Бройлерларнинг бу зоти АҚШда урчирилган бўлиб, жўжаларни 45 кунда 2 кг, тирик вазнага етиши кўп йиллардан бери исботланиб келмоқда. 50 тадан кўп жўжа оловчи харидорларга, Уруш қатнашчилари ва ноғиронларга, ҳамда кўп болали оилаларга бошланғич нархидан 10 сўм арзон сотилади. Жўжаларни қандай боқиш ҳақида тўлиқ маълумот берамиз.

Мурожаат учун телефонларимиз:
133-51-88, 133-41-90,
133-18-12.

Ажойиб — гаройиб

БЕЗОВТА БЎЛГАН РҲҲ

Катта ўғлим Муроджон жуда осон туғилди-ю, лекин баъзи бир сабабларга қўра куйналиб қолди. Кен бўлганимми, ўша кун касалхонанинг бу бўлимида аксига олиб, нарқоз йўқ экан. Менга кўрсатилган ҳамма муолажалар нарқозлик бўлди. Оғрик жуда кучли эди, аммо ҳаммасига қандай чидаганимни ўзим ҳам билмайман. Охири, атрофимдаги ҳамшира ва ёрдамчи ақшурлар ҳам чиқиб кетишди. Хонада мен билан врач ёлғиз қолдик.

Дўхтир опа мени гапга солиб, қалғитиб турарди. Муроджон менинг учинчи фарзандим, олдингилари қиз болалар эди. Шунинг учун бўлса керак, ўзимга-ўзим «Озгина чидасам, кейин ўғлимни бағримга босиб боқаман», дердим.

Опа нима деди-ю, мен у томон ўгирилдим. Не кўз билан кўрайки, опанинг ёнида раҳматли (онамнинг онаси) ойимнинг сиймоси тургандек эди. Мен жуда кўркий кетдим ва ўзимча:

«Ойим келибдилар, мени олиб кетгани, энди мен ҳам кетарканман», — дедим.

Дўхтир опа тозалаб бўлиб (йўлдошим қочиб, мени ручной тозалашди), «озгина дамнинг ол, кейин палатага оламиз», деб чиқиб кетдилар. Хонада ёлғиз қолдим, ойимларнинг сиймолари мен билан бирга эди. Хали ҳам эслаяман, иккинчи қўзимни туқанимда (раҳматли ойим унда ҳаёт эдилар), мени кўргани енимда келган эдилар. Бу сафар ҳам худди ўша кийимда эдилар. Ушандек қўларини қовуштириб қараб турардилар...

Кўрувдан бирор сура ўқий дейману, аммо адашиб кетавердим. Эрталабга яқин мени хонага олишди ва секингина қаработга ётқизиб: «Энди тинчгина ухла, дамнинг ол», — деб врачлар чиқиб кетишди. Ана шундан кейингина ойимнинг ҳам сиймолари гойиб бўлди.

Ўша кун катта опанинг айтишича, эрталабга яқин ойим тушига кириб:

«Тур ўрнингдан, Наргиза ўғил кўрди, олдига сут олиб бор», деб туртиб юборибдилар. Опам туриб онамга: «Она, Наргизага деб нарса бўлдимми, ойим тушимга кириб ухлатмади» деб ўзи ишга кетибди.

Эрталаб соат ўнларда турмуш ўртоғим қизлик уйимга бориб, фарзанди бўлганимни айтибди.

Бу воқеага ҳам 17 йил бўлди, бу йил Муроджон 17 ёшга тўлди. Лекин бу воқеа худди кеча бўлгандек эсимда. Доим ўзимга ўзим тақоролмайман: «Утганларни биз унуттишимиз мумкин, аммо улар доим бизнинг яхши-ёмон, гамили ва қувончи кўларимизда биз билан бирга эканлар ва бундан кейинги бўладиган воқеалардан оғох этиб турирканлар».

Утган барча мўмин-муслималарни жойлари жаннатда, охираглари обод бўлсин, шу қатори менинг ойижонимни ҳам.

Наргиза,
Тошкент

ҲУҚУҚШУНОС МАСЛАҲАТИ

Савол: Мен вафот этган онам номидаги автомашинага меросхўр сифатида гувоҳнома олиш учун давлат нотариал идорасига мурожаат қилган эдим. Лекин орадан ун ой ўтса ҳамки бундай ҳужжатни ололмаяман. Бунинг сабаби нимада?

Машқура Олимова, Хоразм вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11—46 моддасига асосан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан, ота ёки она ўтгандан кейин давлат нотариал идорасида берилади. Яна шуни ҳам эслашиб ўтиш жоизки, агарда қонун бўйича мерос олиш учун бошқа шахслар бўлмаса мерос ҳақидаги гувоҳнома мuddати олти ойдан олдин берилиши мумкин.

ЗАБИҲИЛЛО МУҲАММАДЖОНОВ

Туш таъбирномаси

ОТАСИГА ТАЛПНИШИ

Холаларимдан биринчи ўғли Озод ака бундан йигирма йиллар аввал иш юзасидан бошқа шахарга ўчи кўчиб мuddатга кетаётганларида, кенжа ўғлим отасига маҳкам ёлишиб олиб: «Дادا, бу сафар хен қаерга борманг!», — дея ялиниб ёлворибди ва хен маҳкам дадаси билан ётмайдиган кенжа ўғил, дадаси сафарга кетишдан бир кун аввал бўйинни қучоқлаб, эрталабгача куйиб юбормабди.

Озод ака сафарга борган биринчи кун туш кўрибди. Тушида кенжа ўғлининг шимини тизасидан паст қисми йиртилиб тушган экан. Уша кунги кенчи пайт Озод аканинг ишончасидан, яшаб турган мөхмонхонасига телефон қилишиб, зудлик билан уйга қайтишни айтишибди. Уйга келган ота не кўз билан кўрайди, уша кенжа ўғли чўмилишга бориб сувага чўкиб, халок бўлган экан. Демак, тушда шиминг почаси йиртилиб тушса, яхшилик аломати эмас экан.

С. САЙДУЛЛАЕВ

«Оила ва жамият» уғитномаси

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

Жамиятимиз ҳаётида иллат бўлган фоҳишабозлик мени қўлдан бўён ўйлаштириб келади. Бу иллат ҳақида гап кетганди қўлимга хотин-қизларни мизани айбдор деб топилмади. Бир ўйлаб кўрайлик азизлар, бу ишда фақатгина хотин-қизлар айбдормикми?

Мен эса бу нарсанинг бош айбдори эркаклар деб ҳисоблайман. Бу билан мен «ҳамма эркаклар ёмон», демоқчи эмасман. Аммо, гуручнинг қурмаги ҳам бўлади.

Ҳозирги кунда кўчаларимизда шунақа бемаза-эркаклар учрайдики, улардан нафратланмаслики иложи йўқ. Улар ўз йўлида кетаётган қизларга шунақа бепарда, ёмон гапларни гапиршадикки, уларнинг назариди барча қизлар «халигидека»дек. Мана шунақа номдод эркакларга қараб ҳайқиргим келади: «Эй сиз, номдор, вадондиз эркаклар! Аҳир сизларнинг ҳам опангиз, синглингиз хен бўлмаганда, мунистинга онангиз бор-ку? Уша сиз шарм-у, ҳаёни унутиб гап отаётган қизлар ўрнида ақилларингизни бир тасаввур қилиб кўринг. Улар ҳам кинингдан отаси, синглиси ёки қизидир?!» Мен бундай эркаклардан жуда-жуда нафратланаман. Биз жамиятимизни мана шундай иллатдан тозалашимиз лозимдир. Мен бу гапларни билан эркакларни эмас, аёлларимизни ҳам айблайман. Чунки, қарс икки қўлдан чиқади.

НАРГИЗА Қарши шаҳри

ҚУРУТ-ДАЗЗАТЛА ВА ШИФОБАҲИШ ТАОМ

Кавказ тоғли халқлари ва Болгариянинг айрим районлари аҳолисининг узоқ умр кўришига ҳаваси келади кишининг. Чунки улар сўт махсулотларини жуда кўп истеъмол қиладилар. Марказий Осиёнинг айрим тоғли ва тоғда яшайдиган халқлари ҳам сўт махсулотларидан сузма, кимиз, қатик, қурут, куртова ва бошқаларни истеъмол қилиши туфайли соғлом, деярли узоқ умр кўришади.

Оқ қурут озиш тартибини туғувчилар учун энг яхши таомдир. Агар уни овқатдан олдин есалар иштаҳани бўғади. Аммо оқсил моддаси бўлгани учун қандаш куч бағишлайди. Кинд моддаси бўлгани учун эса смиртмайди. Оқ қурут совитувчи бўлиб, сафро ҳайдайди, қон босимини пасаитиради, ич кетишининг олдини олади, захарни кесувчи вოსита ва бошқаларда ҳам фойдали.

Қора қурут сафрони яхши ҳайдайди, чанқокни қондиради,

қон босимини пасаитиради, иштаҳани очади. Йўтал, тумов ва бошқа шамоллаш хасталикларини даволайди, уни сувда ивитиб бошга сурқалса, соч тўкилишининг олдини олади.

Тоза оқ ва қоракўрут тайёрлаш ўзига хос анча сермөҳнатли. Айниқса, қоракўрутни қандай тайёрлашни кўнчилик зшитмаган ва билмаса ҳам керак. Тоза оқ қурутнинг тузли ва тузсизлиги мавжуд. Улар куйидаги усулда тайёрланади: айрим микдордаги қатик (айрон) кувиди пишилиб ёки олингандан кейин кувидида сўк махсулотини тоза сурп халтага солиб қуйиб то зардобни оқиб сузма халтага айлангунча сақланиб қолта тўлдирилади. Кейин қонзонга солиниб кўп соатлаб қайнатилади. Қайнаб бўлган сузмаи сувотувиб, яна халтага солиб кун бўйи зардобни оқизилади. Сифатли қурут олиш учун бу жараён бир неча марта тақороланиши керак.

Охирида тайёр бўлган сузмага бироз майда туз қўшилиб (1 кг сузмага бир ош қошиқ микдори-

да) яхшилаб аралаштирилади. Хосил бўлган, совутилган, тўйимли ва парҳезли сузмадан ёнғоқдек оқ қурутлар тайёрланади ва тахтага териб, 2—3 кун офтобга қуйиб қуритилади. Қурутларнинг устига чанг тушмаслиги ва пашша қўнамаслиги учун дока ёпиб қуйилиши лозим. Тайёр бўлган қурутлар қуруқ жойда тоза халта-ларда сақланиши керак. Қурут десе-рт сифатида истеъмол қилинади, шунингдек ундан тўйимли парҳез таом-куртова тайёрлаш учун ҳам ишлатилади.

Қуртова кучли калорияли ёғли ва гўштли овқатлар ўрнини босиб, тўйимли ва кишини узоқ мuddатгача тўқ тутиши, баданини иситиши, пешоб ҳайдаш, терла-тиш, иштаҳани очиш, қувватга килитиш ва бошқа хусусиятларга эга эканлиги исботланган. Халқ табобатида куртовани шамолла-ганда, йўталганда, захарланганда, ич оғриган, совуқ қотганда, кам-қонликда, кўнгил айниганда, баво-силда ва бошқаларда истеъмол қилиниши тавсия этилган.

Қуртова фақатгина беморлар учун малҳам деб бўлмайди. У соғлом одамлар учун ҳам фойда-ли ичимликдир. Қуртова кишини мушакларига куч беради, оч-ликдан сақлайди. Киши организм-ида алоҳида тетиклик бағиш-лайди. Нафас олишни осонлашти-ради, юзга ёқимли ва чиройли ранг югуртиради.

Қуртова куйидагича тайёрлана-ди. Икки ёки уч килорамм оқ қу-рутни товоққа солиб бир, икки марта илик сувда ювилади ва ик-ки қосача қўлни куйдирмайдиган даражада сув қуйиб, ўн-ўн беш дақиқа икки қўл билан қурутлар сувда эзилади (айланади). қаймоқ қуюқлигидаги суюқликни кастрол-га қуйиб, яна қурутлар сувда товоққа бир-икки қоса сув қуй-илди, қурутларнинг суюлтириш жа-раёни керакли нормагача қайта-рилади борилади. Кастролдаги суюқликка икки бош пиёз тўраб қуртова сосага қуйилиб устига уч-тўрт қошиқда қиздирилган (эри-тилган) сариёғ жазиллаиб қуй-

МАСЛАҲАТХОНА

лади ва тайёр таом-куртова дастурхонга тортилади. Куртова яна ҳам тўйимли бўлиши учун унга суви қочган ёки қуритилган нон, ноннинг талқони ҳамда юмшоқ нон тўғралаб истеъмол қилини-ши тавсия этилади.

Қурутни ўзи шўр бўлганли-ги учун таомга туз қўшилмайди. Агар хоҳласангиз зирворли ял-пиз, кийик ўти ва бошқаларни қўшингиз мумкин. Куртовани тайёрлашининг бошқа усуллари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг шифобахшлиги ва лаззатли сиф-фатлари юқоридаги технологияда тайёрлангандай бўлмайди. Масалан, қурутни келида туғиб тақорон қилиш усули, қурут ўрни-да сузма ёки қатик ишлатилиши ва бошқа усуллар.

Агарда сизларни оқ ва қора қурутларни ҳамда куртовани тайёрлаш технологияси жараёни ва улардан фойдаланиш тавсия-лар тўғрисидаги бирон бир ма-сала қизиқтириб қолса, 46-54-72 телефонига кўнғироқ қилишингиз мумкин.

САФАР МУҲАММАДИЕВ,
доцент

Бир синглим бор. Узи журналистикани битирган. У ёса, қаламининг учидан фақат дуру-гавхарлар тўқилар эди. Аммо у... кейинги йилларда ёзмай қўйди. «Ёзолмайман». Кўйишмайди. Қўлимга қалам олсам, бўғишади» дейди. Қўймайдиган, бўғадиганлар ким, айтмайди. Мен ҳам сўрамайман. У «қўл олган, фол очади, «ўқийди». Кимнидир иситади, кимнидир совутади. Бу соҳада кўп илму амаллардан бохабар. «Фол очаман» деб уйма-уй мижоз ахтариб юргандан кўп, аммо у уйма-уй юрмайди, унинг остонасида уймалашиб, навбат кутиб туришади.

Унинг мижозлари асосан ўн етти-ийгирма ёшдаги қизлар. Баъзан уйига тўғри тушган, эҳтиётсизлиги туфайли бирон қимматбаҳо буюмини йўқотиб қўйган, биров-ярим саргардон мижоз аралашиб қолмас, қолган мижозларнинг барча-барчаси «Бахтимдан қўлинг-дейди, ўртада бироз андиша пардаси кўтарилгач, фолбиннинг олдига сурат ташлайди: «Шу йигитга менинг тақдирим қўшилганми?», ёки тўғридан-тўғри мақсадга кўчиб кўя қолишади: «Жон опаюн, шу йигитни менга иситиб беринг. Усиз менга тириклик ҳаром».

«Иссик-совуқ» деган нарсаларга мен умуман ишонмайман. Аммо бир сабир дугонамиз!...

Қишлоқдан бутунлай бошқача кайфият билан қайтиб келди:
— Биласанми, менга қайнонам дуо қилдирган экан. Дуосини очириб, қайтарма қилдирдим. Қушдай енгил бўлиб қолдим. Фолбин аёл тумор қилиб берди, бир ойдан сўнг бахтинг сени излаб келади, деди.

Ҳали бахтнинг излаб келишига бутун бошли бир ой вақт бўлишига қарамай, дугонамизнинг юз-кўзларидан айдай бахт балқиб, мана мен деб яшнаб турарди.

Бир ойдан кейин ҳақиқий мўъжиза юз берди. У рус аёлига уйланиб кўп йиллар Россияда яшаб, сўнг ёлғиз ўзи юрғача қайтиб келган бир киши билан танишиб, турмуш қурди. Кўёв жуда бадавлат киши экан, дугонамизнинг қизини ҳам, ўзини ҳам шаҳардаги уйига кўчириб олиб кетди.

Унда-мунда учрашиб қолгудек бўлсак, дугонамиз эрини мақтаб, сифатларининг адоғига ета олмас эди:

— Биласанми, шундай меҳрибон, мени шу қадар эҳтиёт қилади. Қўй, иш-на, супир-сидирни қилиб уйда ўтирсанг ҳам майли, дейди. Уйда ўтирсан, сиз олиб бераётган чиройли кийимларни кимга кўрсатаман, дейман мен. Рос-ти ҳам шу иш баҳонасида дунё кўрсан, дунё сени кўради.

Бир сафар мактана-мактана, атрофга аланг-жалам қараб олди-да, гапларини мендан бошқа ҳеч ким эшитмаётган бўлса ҳам, гагини шивирлаб давом эттирди.

1

— Қизим мени эримдан рашк қилдиган бўлиб қолган. Ҳар хил баҳоналар топиб, тумтайгани тумтайган. Ҳали тароқда қолиб кетган сочимни кўрсатадими-ей, ҳали оёқ остига тушиб қолган ич кийимларни кўриб бурнини жийирадимий. Хуллас, тирноқ тагидан кир ахтаргани ахтарган. Бахтимни топиб олганим яхши бўлди-ю, шу туфайли она-бола бир-биримиздан тобора узоқлашиб бораётгандаймиз. Буёғи буйимда ҳам бўлмаяпти.

— Эринг-чи, эринг нима деяпти?
— Эримдан ҳайқадими, унга хурмача қилиқларини қила олмайди. Ҳатто қўрққанидан қандайдир меҳрибонликлар ҳам қилади. Гуё, у эмас, мен ўғай онадек бўлиб қолдим. Ёлғиз ўсган болада, эрга текканим, меҳрим иккига бўлингани унга алам қилаяптими?

Бир сабаб бўлиб «ўзгариб қолган қиз» билан суҳбатлашиб қолмаганимда, мен ҳам унинг онаси билан ҳамфикр бўлиб қолаверардим.

Кўнгли ярим деб кўрсатган меҳрибончиликларим қизнинг дил қулфини очиб юбордим, ўз онасидан арз қилди шу сафар:

— Онамининг бефаросатликлари учун ўғай отамнинг олдида хижолат бўламан. Қозон-товок, уйни-ку, ўз буйимга олганман. Аммо баъзан ётоқхоналарига кирсам, кўнглим айниб кетади. Беўшов ялтоқлинишлари-чи?... Унга қараб туриб, отам мана шундай бўлгани учун уни ташлаб кетган бўлса керак, дейман. Ҳа, унинг аҳмоқлиги туфайли мен ота меҳрига зор бўлиб ўсдим.

Ўн беш яшар ўқтам қизнинг гаплари мени ханг-у манг қилиб қўйди. Бир ҳисобдан у ҳақ эди. Онаси мактабда ҳам тугмаси тушиб қолгудек бўлса, игнақадок ўрнига занглаган миҳ қадаб юрарверарди...

— Эри бечора (менинг олдимда «отам» дейишдан тортиндими), шундай ақлли, замонавий одам. Сен аёлсан, уй нега бу аҳволда ётибди, демайди. Одамларнинг олдида одамга ўхшаб юрсин деб, бир-биридан қимматбаҳо кийимлар олиб келади. У бўлса, театрда қиядиган кийимларни аввал қишлоқ тўйларига, сўнг уйга қияди. Ўз онамини кўрсам кўнглим айнидими, десам ишонасизми?

— Бу, балки уни...ўғай отангдан қизғоничинг туфайлидир?..
Киз ёшига ярашмаган бир андуҳ билан бош чайқади:

— Йўқ, аксинча бўлиши мумкин, аммо асло ундай эмас!
— Аксинча?

— Ҳа, ўша бечора эркакни ундан қизғониб кетаман баъзан. Уни бир кўрсангиз, у билан бир гаплашсангиз эди. Шунанга келишган, шундай ақлли, меҳрибон. Шундай аҳмоқ хотинга ҳайф бундай эр!

— Ўз-ўзингни эглайдиган бўлганингдан кейин шу хотин сени дунёга келтирган, бир парча этлингидан оқ сўт бериб улғайтирган онанг эканлиги эсингдан чиқиб кетдими дейман? — қизни инсофга чорламоқчи бўлдим.

Киз менинг гапларимни шартта кесди:

— Опа, ит ҳам туғади. Хўш, туққан бўлса нима бўпти? Мен сизга кўрсатганимни айтаяпман. Шу хотинга озроқ насихат бериб, тарбиялайсизми, деган умид билан айтаяпман. Яхшиси, мен уйдан кетганим маъқул.

2

Иккаласининг башарасини кўргани кўзим йўқ.

Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, онаси «дугонам» деганига «ха, дугона» деб юрганлигим учун катта йўлнинг ўртасида маломат тошларига кўмилиб қолавердим. Аслида у аёл билан умримда бирон марта борди-келди, олди-берди қилмаганман. У менга ҳеч ким, ҳа, ҳеч ким эди! Аммо ундай десам, онасини ҳам, мени ҳам маломат тошларига кўмиб, ўзи қисмат чоррахасида саросар қолган қизнинг дардини ҳеч кўнглимдан чиқариб юбора олмас эдим.

Эртаси кунни сўраб-суриштириб, халиги дугонамизнинг телефон рақамларини топиб, кўнғироқ қилдим. У хавотирларимни эшитиб, хижолат бўлиб, раҳмат айтиш ўрнига кулди:

— Парво қилма, бу ҳаммаси унинг эримга эл бўла олмаганидан. Бир зўр дуоғўй мулла топдим. Иситиб беради. Кейин қарабсанки, ҳақиқий ота-болага айланишади.

— Сен гапимга тушунмадинг чоғи, у эрингдан эмас, сендан норози. У... У гапимни бўлди:

— Биламан, мендан норози, унга текканлигим, меҳрим бўлинганлиги учун норози.

Бир жинни аёлнинг дарди билан оғриган жиннилигим учун ўзимни сўкиб-сўкиб, телефон гўшагини ўрнига қўйдим.

«Баттар бўл!»

Муҳокама. Мунозара. Мушоҳада



3

Бу гапни ўзимга айтдимми, «дугонам»-гами, билмадим. Аммо жуда алам қилиб кетди. Жон-жаҳдм билан уларни буткул унутиб ташлашга тушдим. Деярли унутган эдим.

Бир кунни яна бир дугонамиз гап топиб келди. Эмишки, бир аёл эрини қизи билан «тутиб» олиб, қизини ошпичоқ билан чавақлаб ташлабди, эри бир амаллаб қочиб қолибди.

Ҳабар эгасиз, нечоғлик дудмал бўлса-да, беихтиёр сўроқсиз хаёлимга, ҳатто ҳаётимга кириб олган она-бола ёдимга тушди:

— Аёл қаерда ишлар экан? — сўрадим кўрқа-писа.

Гумоним тўппа-тўғри чиқди. Биров бошимдан бир челақ қайноқ сув қўйиб юборгандай, гўжанак бўлиб ўтирганча, қотиллик тафсилотларини тинглаб бошладим:

— Аёлнинг иккинчи эри экан. Қизи эри билан ҳеч чиқшмайвергач, бир-бирига озроқ меҳри тушсин, деб ис-сик дуо қилдирган экан. Бир кунни ишдан қайтса, ҳовли жим-жит эмиш. Ўша кунни маош олиб, қизига ҳам, эрига ҳам бир дунё совға-салом олган экан. Буларни бир суюнтирай деб, оёқ учида-хонама-хона мўралаб юриб,

қизининг тўшағида эрини учратиб қолибди. Аёл алампидан ошхонадан катта пичоқни олиб келибди, қизини пичоқлаб ташлабди. Қиз буткул ҳўшини йўқотиб, йиқилиб қолган, дод солиб, ҳовлига чиқибди. Қўшнилари чиқиб қарашса, шу аҳвол. Аёлни қамқоқонага, қизни касалхонага олиб кетишибди. Қизнинг аҳволи жуда оғир эмиш...

Кўплашиб қизнинг ҳаётини сақлаб қолдик. Аммо онасини жавобгар қилиб юборишди. Афсунгар ваъда қилгандай

«Ўз оёғи билан кириб келган бахт» эса қаро тун қаърига учган юлдуздек ном-нишонсиз йўқолди...

— Бир сафар остонасида мижозлар уймалашиб ётадиган ўша фолбин синглимиздан шу воқеага изоҳ сўрадим:

— Мен сал олдинроқ қиз билан гаплашган эдим. Унинг кўнглида шу эркакка нисбатан бир эҳтиром бор эди, уни онасидан қизғоничини айтган эди. Аммо бу эҳтиром бу тахлит муносабатларга сабаб бўлиши етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Сабаби, қиз жуда ёш, эркак — онасининг эри, унга ўғай бўлса-да, ота эди. Энди ўйлаб қарасам, ҳеч қандай дуо эмас, балоғат ёшидаги қизнинг эркакка бўлган ҳаваси, онасига бўлган нафрати сабаб бўлган. Қолаверса, қиз жуда бошқача қиз эди. Эркак ҳам она ва қизнинг ўзини туйишларини зимдан солиштирган. Қандайдир мойиллик билдирган бўлса керак.

— Бўлиши мумкин, аммо дуо, жоду билан ҳазиллашманг. Дуо билан дарёни тескари оқизиш мумкин. Нафаси ўткир мулалар қайтарма қилиб ўқиганда, тик турган офтобанинг жўмрагидан чиққан сув айланиб офтобага қийлаверади. Дуо билан отнинг қалласидаги қулфни очишганини кўрганман. Ўша бефаросат она қизи билан эрининг бирон буюмини олиб бориб, «шуларни иситиб беринг» деган бўлса-ю, уларнинг аслида бир-бири учун кимлигини айтмаган бўлса... юқоридаги оқибат келиб чиққан бўлиши мумкин.

— Жоду қилиш гуноҳ эмасми?

— Гуноҳ.

— Унда...

— Нега гуноҳга қўл урасиз, демоқчимисиз? Мен ҳеч кимни жодуламайман, мен жодуларни очаман, фол кўраман. «Иситиб беринг» деб келган қизларга кўнгли учун мендан рад қилинган, ҳақиқий жодугарларни излаб кетишмасин деб, «иссиқ дуо» қилиб берган бўламан. Аслида бу қилганларим — ҳеч нарса...

Суҳбатимиз чўзилганидан бетоқат бўлган қизлар эшик очилиши билан жаннатнинг эшиги очилгандек енгил нафас олишади. Уларга қараб эзилиб кетаман. Мен учун бутунлай бегона бўлган бу қизлар менинг ўз қизларимдай уларга ачиниб, қаҳрланиб қарайман. Қўлимга бир ўқроғ олиб «иссиқ-совуқ», деб фолбин остонасида соатлаб тик турган оёқларига уриб-уриб уй-уйларига ҳайдаб юборгим келади.

Дарвоқе, ким ҳам бахтли, сеvimли бўлгиси келмайди дейсиз? Аммо бахт, муҳаббат қаерда? Наҳотки, шундай фирром йўллар билан топилган муҳаббат бахт олиб келса?...

4

Жамила ЭРГАШЕВА.

ҲАЁТДА ЎЗ МУНОСИБ ЖУФТИНГИЗНИ ТОПИНГ

Мен 22 ёшдаман. Мени кўп ўйлантирган муаммо — бу ёш қизларнинг ўйланган, фарзандли эркакларни севиб қолиши. «Ёш куч»да, «15 ёшли қизча 30 ёшли эркак билан қочиб кетгани» ҳақида ўқиган эдим. Менинг ўзим ҳам оилали бир йигитни севиб қолган эдим. Балки, севаман ҳам эдим. Лекин, севаман деб ўйлардим. Вақт ҳақиқатдан ҳам олий ҳакам, ҳам ҳақим экан. Мен баъзи қизларга ўхшаб ўзимни ўққа-чўққа урмадим, у билан қочиб кетиш режаларини тузмадим, бўлмагур фикрларга бормадим. Ҳамма вақт ақл билан иш тутдим. Унинг фарзандлари доим кўз олдимда турар, улар ҳақида ўйлардим. Фарзандларини бир бора кўрмасамда, жиянларимни кўрганимда уларни кўз олдимга келтириб кўрардим. Чунки, мен рози бўлсам у менга уйланиши, яъни иккинчи хотин қилиб олишини айтган эди. Албатта, мен бунга рози бўлган эмасман. Иккинчи бундай гап гапирмаслигини талаб қилганман. Муносабатларимиз яхши эди. Мен уни умуман бир яхши инсон сифатида ҳурмат қилардим. Дўстдир, балки... Кейинчалик, мен ҳам уни севишимни билганидан кейин муносабатлари, муомалалари ўзгара бошлади, яъни, менга, «яқинлаша» бошлади. Мен эса ундан ўзимни олиб қочдим. Ақлимни йигдим. Ўтган кунларимга, у билан танишганимга, у билан гаплашганларимга лаънатлар айтдим. Менга севиб бўлиб кўринган бу туйғу мени тубсиз жарликка улоқтириши, унинг ўзи бир сароб бўлиб чиқиши мумкинлигини тушундим. «У мени севади, шу пайтгача севгани менман» деб ўйлар эдим, афсус... У бошқа қизларга ҳам шундай муомала қилар экан. У қизларни яхши кўрар экан, (балки қизлар ширин сўзга тез алданишини билгани учундир). Айтишчи, хотинига севмай ўйланган экан. У қизларни аврашин, ширин сўзни боғлар эди. Унинг ширин сўзларига мен ҳам илинганман. Чунки, мен у билан танишган пайтим бир оғиз ширин сўзга, бир сирдош маслаҳатгўйга зор эдим. Шундай оғир пайтимда у менга яхши муомала қилди. Ўзини ўта маданиятли, билимли ва ўта меҳрибон қилиб кўрсатди. Ва, у билан тез тил топишиб кетдик.

Мен уни севиб қолган эдим... Мен севгининг ширин шаробидан маст эдим. Лекин, кўзимни каттароқ очиб, ўйлаб кўрсам хато иш қилаётган эканман. Мен худбин эканман. Фақат ўзимнинг бахтимни ўйлабман. Мен орқали бир неча инсонлар бахтсиз бўлишини ўйламапман. Дунёда бир бахтсиз бўлса ҳеч нарса бўлмас, лекин бир инсон бир неча инсонларни бахтсиз қилса, бундан даҳшатлироқ нарса борми? Ўшани ким дейиш мумкин? Фақат ўз бахтини ўйлаганими?..

Мен ўшундай одам бўлиб қолишим мумкин эди. «Оила ва жамият»ни ўқиб, ундай қизларга нафратларини билдираётган замондошларим фикрини ўқиб, ўзимга кераклик гапларни олдим. Ҳа, демак, менайлардан жамият нафратланади. Мен ўзимни оқламоқчи эмасман-у, айтмоқчиманки, мен ҳали у даражага борганим йўқ эди. Вақтида алоқани уздим. «Яра маддалаб кетмай, уни кесиб ташладим!»

Яъни, уни юрагимдан узиб ташладим. Мен каби сингилларимга, дугоналаримга айтар гапим: сиз ҳам шундай қилинг. Уларни юрагингиздан юдиб ташланг. Қандай қилиб дейсизми, балки севгини юлиб бўлмас дерсиз?! Бўлади, инсон қўлидан ҳамма нарса келади, фақат ирода, кучли ирода керак.

Сизнинг иродангиз етати, шундай қилишга! Шунда сиз энг бахтли инсон бўласиз, дунёда. Чунки сиз ҳеч кимнинг бахтига зомин эмассиз. Билсангиз, бундан улуг бахт йўқ дунёда. Айтадиларки, ... «шундай бахт топгинки, сенинг туйғайли яна кимдир бахтсиз бўлиб қолмасин»...

Ҳа, адашган сингилларим, мана мен сизларга сабоқман. Сизлар ҳам ўзингизда шундай ирода топа оласизми? Ёки шунча иродангиз бўлми? Эндигина 16—17 ёшдаги сингилларим, кўзингизни каттароқ очинг, ширин сўзга учманг! Ақс ҳолда, аччиқ қисмат эгаси бўлиб қолманг. Севинг, севилинг, худо насиб этсин шундай бахтни, аммо чин юрак билан, пок муҳаббат соҳибалари бўлинг! Ўғринча севги керак эмас, бу гул юракларга!

Ҳаётда ўз жуфтингизни, ўз ўрингизни топинг.

МОҲИНОРА

«Оила ва жамият» рўзномасини ўқиб бориш мен учун энг яхши кўрган машгулотим-овунчоғимдир. Унда ёритилаётган турли муаммолар мени бефарқ қолдира олмайди. Рўзномани кузатиб борар эканман, замондошларимизнинг туриш-турмушлари, бир-бирига ўхшамаган тақдирлар турлича бўлишига қарамай, лекин муаммолар йиғиндиси бир жойга, яъни оила негизига бориб тақалаётганлигини юрак-юракдан ҳис этаман.

Биз ҳамиша аёлларни тоқатли, бардошли бўлишга ундаймиз. Тўғри, бу тақдирлар азал-азалдан, одам Ато яралгандан буюн мавжуддир. Мен буни ҳеч қачон инкор этолмайман. Лекин мен бу сафар оила кўрғонлари-эркакларга муурожаат қилолмоқиман. Жа-

фақат сиз айбдорсиз-деган фикрдан йироқман. Бу билан жамиятга сизларни «буюк» деб сизинган инсонларга дарғасиз демоқчиман, холос.

Ҳа деб куруқ гапни олиб қочаяпди, деган ҳаёлга борманг. Сизларга илтижоларимнинг сабаблари бор. Меҳр-оқибатсиз турмушни 23 йилдан буюн бошимдан кечириб келаман. Бу ўтган йиллар ичида бошимдан ўтган савдолар-майли, ўша йиллар орасида қолаверсин. Чунки ширин-у шакар фарзандларим ҳаққи, чидам билан ҳам ўша ўнқир-чўнқир турмуш йўллариданман. 4 фарзанднинг онасиман. Ўғлим, бош фарзандим, ҳар қандай шароитда ҳам, ўша ўтган йиллар ичида менга тоғдек суянчиқ бўлиб келди. Ҳозир суянган кўрғоним Тошкент олийгоҳларининг бирида кунт билан ўқимоқ-

сон ҳақиқатан ҳам менинг зулмат ҳаётимда чакнаган юлдуз мисоли из қолдирди. Уйимдан, умр йўлдошимдан топмаган меҳри мен, ана шу инсондан топдим. Ширин сўзларининг шайдоиси бўлдим.

Бу инсон ҳам 4 та ширин қизларнинг отаси экан. Ўз оиласи бошида ҳамиша кўрғон бўлишини, тани-жонини омон сақлашини худойимдан ўтиниб сўрайман. Бу билан ўйламанг, ҳиёнатга йўл тутибди, деб. Йўқ, ҳиёнатга ярим кадам ҳам қўйганим йўқ, ишонинг. Лекин қалбим ўша инсонда қолди. Мана биз ҳайрлашганимизга ҳам яқинда 3 ой бўлиб қолади. Ёлғиз худойимга аён-мен у инсонни бир дақиқа ҳам унутолганим йўқ. Кечалари тушимда-ю, кундузлари

ОГОҲ БЎЛИНГ, ЭРКАКЛАР...

миятимизда «оила» деб аталмиш буюк давлатни елкасида кўтариб туриш сизнинг зиммангизда деб ўйлайман.

Азиз эркаклар, азалдан сизларни буюксиз-деб, эъзозлаб келиш қон-қонимизга сингиб кетган. Шунинг учун ҳам сизлардан ўтинчим, оилангиздан, нозик ниҳол заифангиздан меҳрингизни аяманг. Улар сизнинг бир оғиз ширин сўзингизга зор-интизор бўлишади. Ишдан келганингизда бир оғиз — «Яхши ўтирибсизларми?» — деганингизда бир қувонча, у тайёрлаган оқватларни еганингизда «овқатингиз бунчалик ширин бўлибди, кўлинг дард кўрмасин» деб кўйсангиз, кунгли тоғдек кўтарилиб, қалби олам-олам қувончларга тўлади. Шундай қилинганки, азиз эркаклар, аёлингиз ташқаридан меҳр изламайсин. Аёл зоти бир оғиз ширин сўзга зор бўлади. Мабодо ўша ширин сўзни, меҳрни сиздан топа олмаса ташқаридан излайди. Бу эса оилани ўз-ўзидан барбод бўлишига, емирилишига олиб келади. Чунки сиз эркаклар ҳеч қачон ҳиёнатни кечира олмайсиз. Гарчи Ҳадисларда-кечиримли бўлган инсонлар энг олий неъматга сазовордирлар-деган ўғитла таъкидлансада...

Шунинг учун ҳам ҳиёнатга замин тайёрламанг, жон эркаклар. Бу билан оила барбод бўлишида

да. Бирдан-бир мақсади аталмиш буюк давлатни елкасида кўтариб туриш сизнинг зиммангизда деб ўйлайман. Азиз эркаклар, азалдан сизларни буюксиз-деб, эъзозлаб келиш қон-қонимизга сингиб кетган. Шунинг учун ҳам сизлардан ўтинчим, оилангиздан, нозик ниҳол заифангиздан меҳрингизни аяманг. Улар сизнинг бир оғиз ширин сўзингизга зор-интизор бўлишади. Ишдан келганингизда бир оғиз — «Яхши ўтирибсизларми?» — деганингизда бир қувонча, у тайёрлаган оқватларни еганингизда «овқатингиз бунчалик ширин бўлибди, кўлинг дард кўрмасин» деб кўйсангиз, кунгли тоғдек кўтарилиб, қалби олам-олам қувончларга тўлади. Шундай қилинганки, азиз эркаклар, аёлингиз ташқаридан меҳр изламайсин. Аёл зоти бир оғиз ширин сўзга зор бўлади. Мабодо ўша ширин сўзни, меҳрни сиздан топа олмаса ташқаридан излайди. Бу эса оилани ўз-ўзидан барбод бўлишига, емирилишига олиб келади. Чунки сиз эркаклар ҳеч қачон ҳиёнатни кечира олмайсиз. Гарчи Ҳадисларда-кечиримли бўлган инсонлар энг олий неъматга сазовордирлар-деган ўғитла таъкидлансада...

ҳаёлимни банд этган. Бир азобимга минг азоб қўшилган. Биламан, ўз кечирган ҳаётим давомида не-не ташвишларни, чидаб бўлмас савдоларни кўтарган бошим худойимнинг бу синовидан ҳам чидам билан ўтади...

Демоқчиманки, азиз эркаклар, азиз одамлар умр йўлдошингизга, нозик-ниҳол фарзандларингиз онасига меҳр билан боқинг, ширин сўзларингизни аяманг, ундан. Шундагина бағрингиз бутун, оила кўрғонингиз муштақкам бўлади. Жамиятимиз эса оилави бўлишлардан, тирик етим қолишлардан халос бўлади. Аёлингиз ушбу аламли мисралар ичида девонаҳол кезмайди:

Сен-ла масъум кунларни эслаб, Озод ошкор дамларни эслаб,

Хотирамда жам этгум буткул эслаб,

Ўшал кунлар ҳуморин эслаб.

Эслаганда доим йигларман, Кўз ёшларим юзларим ювар.

Йиглай-йиглай баргинми тиглаб Қолмасайди қалбимда губор.

Бу муҳаббат куйимкини, дод? Бу қалбимнинг ўйимкини, дод?

Ё, тақдирнинг ўйиними бу, Ё, худойим жазосими, дод?

Р., Самарқанд

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Кўлбазмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил Тошкент, Буёқ Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35.
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яқка обуначилар учун 176
ташқилотлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0466
30850 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоиси эркин нарҳда.
Рассом — Н. ҲОЛМУРОДОВ.
Навбатчи Н. ЙҮЛДОШЕВА.